

КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ,



САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

- Асосий навлари
- Экиш
- Ўстириш
- Парваришилаш
- Касалликлар ва зааркунандаларга қарши кураш
- Йиғиш-териш ва сақлаш

**Картошка етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш. Тузувчи Р.Х. Аюпов. -
Т.: Иқтисод-Молия, 2007. - 64 бет**

Ушбу китобчада инсонларнинг энг севиб истеъмол қиласиган сабзавот маҳсулоти – картошка хақида қизиқарли ва фойдали маълумотлар берилган. Картошканинг бир қанча навлари, унинг кимёвий таркиби, озуқа сифатидаги қиймати, биологик ва дориворлик хусусиятлари қисқача келтирилган. Ундан ташқари китобчада картошканинг агротехникиси масалалари, уни сақлашнинг оддий ва хаммабоп усуллари, ўсимликнинг ривожланишини тезлаштиришга имкон берадиган препаратлар хамда усуллар, картошкани касаллик ва зааркунандалардан қандай қилиб ҳимоя қилиш мумкинлиги батафсил кўриб ўтилган. Китобча барча қишлоқ хўжалигига банд бўлган инсонлар, томорқа эгалари, фермерлар ва бу иш билан қизиқсанларга мўлжалланган. Ушбу китобчада картошка экиш ва парваришланинг кўпчилик биладиган ва билмайдиган бир қанча сир-асрорлари келтирилади ва у томорқа эгалари хамда дала ховлида сабзавот маҳсулотларини етиштиришни орзу килганлар билан бир қаторда фермер хўжаликлари учун хам фойдали маълумотлар манбаи бўлиши мумкин.

Агар сиз сабзавотлардан юкори ва сифатли хосил олиб, фаровонликка эришишни истасангиз – демак, бу китоб худди сиз учун!

Тақризчи: «Кўксарой Ер-Миришкор» Агрофирмаси раҳбари, амалиётчи агроном С.З. Тоиров.

МУНДАРИЖА

1. Кartoшка ва унинг асосий навлари	5
2. Ерни экишга тайёрлаш	12
3. Кartoшканинг ўғитларга бўлган эҳтиёжи	18
4. Кartoшканинг туганакларини экишга тайёрлаш	22
 4.1. Туганакларни танлаш ва калибровка қилиш (саралаши)	23
 4.2. Туганакларни қисқа муддат қиздириб олиш	24
 4.3. Туганакларни уйготиши	26
 4.4. Туганакларни ундириши	27
 4.5. Картошкани бўлакларга бўлиши	30
5. Картошкани экиш	33
 5.1. Картошкани кўчат тайёрлаб экиши	34
 5.2. Туганакларга ишлов бериши	35
 5.3. Уруглик картошкаларга минерал ўғитлар билан ишлов бериши	36
 5.4. Уруглик картошкаларга микроэлементлар билан ишлов бериши	37
 5.5. Уруглик картошкага ўсиши регуляторлари ёки стимуляторлари билан ишлов бериши	38
 5.6. Картошкани экиши усуллари	39
6. Картошкани парвариш қилиш	40
 6.1. Картошкани озиқлантириши	41
 6.2. Картошкани илдиздан ташқари озиқлантириши	42
 6.3. Картошкани сугориши	43
 6.4. Эртаки картошка етишиши	44
 6.5. Ўсимликларни ҳимоялаш тадбирлари	45
7. Касалликлар ва зарапкунандаларга қарши кураш	46
 7.1. Колорадо қўнгизига қарши кураш	46
 7.2. Картошка касалликлари ва зарапкунандаларига қарши	

<i>курашишиниг оддий халқчил усуллари</i>	47
7.3. <i>Фитофтороз касаллигига қарши кураш</i>	48
7.5. <i>Зараркунандаларга қарши кураш</i>	49
8. Кartoшкани сақлаш ва қайта ишлаш	53
8.1. <i>Ургулук картошкаларни сақлаш</i>	54
8.2. <i>Картошка сақланадиган жой лойихаси</i>	55
8.3. <i>Картошкани траншея усулида сақлаш</i>	56
8.4. <i>Картошка бизнеси гояси</i>	57
9. Кartoшкадан тайёрланадиган тансық салатлар ва таомлар	60
10. Тавсия қилинадиган адабиётлар	62
Иловалар	64

1. Кartoшка ва унинг асосий навлари

Картошка туганакмевалилар оиласига мансуб бўлиб, унинг таркибида тахминан 62-82% сув ва 23-34% қуруқ модда бўлади. Ундан ташқари картошкада 23,7% углевод, 2,0% оқсил, 0,9% қанд, 0,7% аминокислота, 14-22% крахмал ва 0,18% миқдорида ёғ хам бўлади. Картошка муҳим озиқ-овқат ва озуқабоп техник ўсимлик бўлиб, сабзавотлар ичидаги энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Картошка тугунагининг озиқ-овқат саноатида кенг миёсда ишлатилишига сабаб, унинг таркибида инсон организми яхши ўзлаштирадиган углеводлар, оқсиллар, крахмалнинг кўплиги, С витамини, минерал тузлар, темир, кальций ва бошқа моддаларнинг борлигидир. Масалан, ундаги С дармондорисининг миқдори тахминан 12-40 мг атрофида, PP (0,57 мг), B₁(0,11 мг), B₂(0,06 мг) ва B₆(0,22 мг) га етади. Картошканинг ёш пояси таркибида 84% атрофида сув бўлади. Етилмаган ёш туганакларда С витамини айникса кўп бўлади. Картошка озиқ-овқат саноатида жуда катта аҳамиятга эга ва шунинг учун хам у дон маҳсулотларидан кейин иккинчи ўринда туради. Картошканинг 1 тоннасидан 112 литр спирт, 55 кг углекислота, 0,39 литр сивуш мойи, 1500 литр барда ёки 170 кг крахмал, 80 кг глюкоза ва бошқа маҳсулотлар олинади. Картошка спирти сифатли бўлгани учун ундан фармацевтика, атир-упа хамда ароқ саноатида кенг миёсда фойдаланилади. Ундан олинган крахмалдан эса кондитер, мато тўқиши ва колбаса ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Етиштирилган картошканинг тахминан 25-30% уруғлик сифатида ишлатилади.

Картошканинг ватани Жанубий Америка Кардильерларидир, чунки Анд тоғи худудларида ва Тинч океани соҳилларида бу экиннинг ёввойи ва ярим ёввойи турлари хозир хам ўсади. Европа ва Осиёга картошка испанлар томонидан 1550-1570 йилларда келтирилган. Россияга картошкани император Петр 1 келтирган ва у Ўзбекистонга 19-аср ўрталарида келган ва кейинчалик озиқ-овқат маҳсулоти сифатида кенг тарқалиб кетган. Хозирги

пайтда картошка дунёning 130 мамлакатида ўстирилади ва уни энг кўп миқдорда Германияда, Белгияда, Польшада, Ирландияда истеъмол қилишади.

Картошканинг асосий навларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- Озиқ-овқатга ишлатиладиган картошка навлари – улар туганакларининг таъми яхши бўлгани учун асосан озиқ-овқат саноатида ишлатиладилар:
- Картошканинг техник навлари – кўпинчалик ўрта ва кечки етиладиган картошкалар бўлиб, уларда крахмал миқдори анча кўп бўлади (18-25%). Улардан крахмал олиш учун, амилоза ва техник спирт олиш учун фойдаланилади.
- Озиқ-овқатли ва техник навлар – крахмал кўплиги билан, яхши мазаси билан ва меваси қораймаслиги билан бошқаларидан фарқ қиласидилар. Уларни озиқ сифатида хам, техник қайта ишлаш учун хам ишлатиш мумкин.
- Қорамол озиғи сифатида ишлатиладиган навлар унчалик мазали бўлмайди, лекин юқори хосилдорлиги хамда крахмал ва қуруқ моддаларнинг ўуплиги билан бошқаларидан фарқланади.
- Универсал навларга юқори хосилдорликли, яхши мазали, кесилганда қораймайдиган, крахмал ва оқсил миқдори кўп бўлган навлар киради.

Картошка навлари вегетацион давр узунлигига мос равишда қуйидаги гурухларга бўлинадилар:

- Эртаки навлар – уларда картошканинг етилиш муддати экилганидан сўнг 55-65 сутка бўлади, вегетация муддати эса 80-95 сутка.
- Ўртacha эртаки навлар – бу навларда картошканинг етилиш муддати 65-80 сутка бўлади, вегетация муддати эса 100-115 сутка.
- Ўртаки навлар - уларда картошканинг етилиш муддати 80-100 сутка бўлади, вегетация муддати эса 115-125 сутка.

- Ўрта кечки навлар - уларда картошқанинг етилиш муддати 100-110 сутка бўлади, вегетация муддати эса 125-140 сутка.
- Кечки навлар – бу навларда картошка экилганидан сўнг 110 сутка ва ундан кўпроқ бўлган муддатда хосил етилади, вегетация даври эса 140 суткадан кўпроқ бўлади.

Хозирги пайтда Ўзбекистонда етишириладиган ва юқори хосил олишга имкон берадиган навларга қўйидагиларни киритишимииз мумкин:

- Агава, Гранула, Санта – эртаки навлар;
- Аврора, Аренде, Белуга, Коннор, Виктория, Латуне, Пикассо – ўртаки навлар;
- Диамат, Симфиния, Тўйимли, Акраб, Чили-8 – кечки навлар.

Картошка турли-туман навларининг орасида голланд навлари энг яхши хисобланади, чунки улар серхосил, мазали, вирус касалликларга чидамли ва турли хил шарт-шароитларда хам мўл-кўл хосил олишга имкон беради. Қуйида мамлакатимизда кенг тарқалган баъзи бир асосий картошка навларининг кўрсатгичларини батафсилроқ кўриб чиқамиз:

Тўйимли нави ўртапишар нав бўлиб, тупининг ўртача баландлиги 70-80 см, тупдаги поялар сони 3-4 та, пояси баргдор, баргининг ранги тўқ яшил, туганагининг шакли думалоқ-овал. Кўзлари ўртача чуқурликда, ранги сарик, туганакнинг ўртача оғирлиги 75-80 грамм, бир тупида 8-15 туганак бўлиши мумкин, хосилдорлиги гектарига 23-30 тоннагача, сақланиши яхши, вегетация даври 90-100 кун. Ушбу картошка нави вирусларга ва ташқи муҳит шароити ўзгаришига чидамли. Экиш муддати шимолий вилоятларда 20-30 июн, жанубий вилоятларда эса 10-20 июл.

Агрономический нави ўртача эртаки навлар гуруҳига мансуб ва у асосан озиқ-овқатга ишлатиладиган картошка нави бўлиб, унинг туганаклари катта, оқ, думалоқ-овал кўринишида, қўпинча юқорига қараб ингичкалашадиган, силлиқ устки қисмли ва жуда кўп юзаки кўзчалидир. Картошкасининг ранги оқ ва ундаги крахмал миқдори 15,5 – 19,5% атрофида, таъми яхши. Туганагининг оғирлиги 90-120 грамм атрофида бўлади. Ушбу

картошка нави рак касаллигига, қора илдиз касаллигига чидамли, аммо фитофтороз ва макроспориоз касалликларига чалиниши мумкин. Агротехника тадбирларини хуш кўради ва ўғитларни яхши қабул қиласди.

Адретта нави Германияда чиқарилган ўртача эртаки нав бўлиб, у озиқ овқатга мўлжалланган. Пояси тикка ўсади ва гули оқ, туганаклари думалоқовал шаклда, майда кўзлари мавжуд. Картошкаси сариқ ва кесилаётганда қораймайди. Крахмал миқдори 11,4 – 15,6%, таъми яхши, туганагининг оғирлиги 60-165 грамм. Фитофторага чидамли, аммо ризоктонияга ва қора илдиз касалликларига чидамсиз.

Аусония нави эртаки голланд нави бўлиб, исталган климатик зонада юқори хосил беради. Туганаклари узунчоқ овал кўринишда, таъми жуда яхши. Бу нав универсал навлар гурухига киради. Касалликларга анча чидамли ва турли хил об-хаво шароитларига хам етарли даражада чидамли.

Астра нави Латвияда чиқарилган бўлиб, озиқ овқатга мўлжалланган ўртача кечки навдир. Крахмал миқдори 12,5 – 15 %, таъми яхши, туганагининг оғирлиги 88-110 грамм. Картошка рак касаллигига, чириш касаллигига чидамли ва фитоторозга хам нисбатан чидамли.

Бектра-1 нави кеч пишадиган универсал нав хисобланади, туганаклари салгина япалоқ, калта, ранги оқ ва ўртача сондаги кўзчаларга эга. Картошкаси сариқ рангда, крахмал миқдори 23,2-23,9 %, таъми ва пиширилиши яхши. Картошканинг турли хил касалликларига нисбатан чидамли. Агар эрта экилса, анча юқори хосил беради.

Берлихинген нави Германияда чиқарилган ва у ўрта-кечки универсал картошка нави хисобланади. Туганаклари катта ва овал кўринишда, ранги қизил, териси кўчган холда бўлади, кўзчалари хам тўқ қизил рангда. Картошкаси оқ рангда бўлиб, пиширилгандан сўнг бироз қораяди. Крахмал миқдори 16% гача. Таъми яхши, касалликларга чидамли, аммо вирус касалликларига тез чалинади. Енгил қумли ва чириндили тупроқларди яхши хосил беради.

Вятка нави озиқ-овқатга мүлжалланган эртаки нав бўлиб, у жуда хосилдор. Ўсимлиги катта, гули қизил-кўк-сиёхранг бўлиб, учлари оқиш рангда. Туганаклари катта, думалоқ, ранги оқ, териси силлиқ ва кўпгина кўзлари мавжуд. Кartoшкasi оқ, кесилганда ва пиширилганда қораймайди, крахмал миқдори 12-17,3%, таъми яхши, туганак массаси 90-140 грамм. Касалликларга анча чидамли, аммо катта туганаклари ёрилиб кетиши мумкин.

Домодедовский нави озиқ-овқатга мүлжалланган эртаки нав бўлиб, у жуда хам хосилдор. Ўсимлиги паст бўйли, кенг ўсадиган, қизил-сиёхранг бўлиб гуллайди. Туганаклари думалоқ, оқ рангли, силлиқ терили, кичкина ва кам сонли кўзларга эга. Kartoshkasi оқ рангли ва кесилганда хамда пиширилганда қораймайди. Крахмал миқдори 12-16%, таъми яхши, туганак массаси 80-95 грамм, битта ўсимликдаги туганаклар сони 12-16 гача боради. Рак касаллиги, қора чириш, қора илдиз ва вирус касалликларига нисбатан чидамли.

Дружный нави ўртacha эртаки нав, озиқ-овқатга ишлатилади, калийли ўғитларни жуда яхши кўради. Ўсимлиги тикка ўсади, гуллари тўқ қизил-сиёхранг, туганаклари думалоқ, оқ рангли, кўзлари жуда кўп миқдорда. Kartoshkasi оқ рангли, крахмал миқдори 15-17%, таъми яхши. Вирусли касалликларга чидамли, механик равишда теришга жуда қулай.

Коретта нави Германияда чиқарилган бўлиб, у ўртаки картошка хисобланади. Ўсимлиги кичкина, аммо гуллари жуда хам кўп миқдорда бўлади. Туганаклари думалоқ овал шаклда, терисининг ранги сариқ, картошкasi тўқ сариқ рангда, крахмал миқдори 10,2-13,0%, туганак оғирлиги эса 75-120 грамм. Турли хил касалликларга нисбатан чидамли, таъми жуда яхши, қайта ишлаш ва йифиб олишга жуда қулай.

Латона нави серхосил эртаки нав бўлиб, у ноқулай об-хаво шароитларида хам жуда яхши ва стабил хосил беради. Туганаклари сариқ рангда ва мазаси жуда хам яхши. Вегетацион даври анча қисқа.

Лорх нави энг кенг тарқалган ва оммабоп хамда стабил рациональда юқори хосилдорликка эга бўлган картошка навидир. У ўртаки кечки универсал нав бўлиб, қовурилган картошка чипсилари тайёрлаш учун жуда қулайдир. Туганаклари думалоқ овал шаклда (агар тупроқда калий ва фосфор етарли бўлмаса, туганаклар чўзинчоқ шаклни оладилар), оқ рангда, майда кўзлари бор, картошкасининг ранги крем рангидан. Туганак оғирлиги 80-175 грамм, касалликларга чидамли. Енгил тупроқларга экилиши мақсадга мувофиқ.

Марфона нави Нидерландияда яратилган бўлиб, у озиқ-овқатга мўлжалланган ўртача эртаки навдир. Туганаклари катта, думалоқ-овал формада, ранги сариқ, кичкина кўзчалари бор, таъми яхши. Туганагининг оғирлиги 80-105 грамм, вирусли касалликларнинг кўпгина турларига чидамли. Хосилдорлиги анча юқори даражада.

Мечта нави ўртача муддатларда етилади, юқори хосилдорликка эга, туганакларининг ранги оқ, овал кўринишда, жуда мазали. Фитофторозга чидамли, бошқа вирусли касалликларга нисбатан хам чидамлидир. Крахмал миқдори 12,5-15% атрофига, кесилганда қораяди.

Невский нави Россия селекционерлари томонидан яратилган энг яхши навлардан хисобланади. Стабил рациональда юқори хосил бериш қобилиятига эга, туганаклари овал формада, кўзлари майда, картошкаси крем рангидан, крахмал миқдори 11-15%, туганагининг оғирлиги 85-135 грамм атрофига, кесилганда қораймайди. Вирусли касалликларга чидамли.

Остара нави Нидерландияда яратилган бўлиб, у озиқ-овқатга мўлжалланган эртаки навдир. Туганаклари ўртача катталикда, крахмал миқдори 11-12%, таъми яхши, касалликларга чидамли, хосилдор ва жуда яхши товар кўринишига эга.

Приекульский ранний нави жуда хам эртаки нав бўлиб, туганаклари чиройли кўринишда ва яхши сақланади.

Ранняя роза нави АҚШ да яратилган бўлиб, у озиқ-овқатга мўлжалланган жуда хам эртаки нав хисобланади. Туганаклари узунчоқ овал формада, пушти рангда, силлиқ ва жуда кўп кўзчалари мавжуд. Крахмал

микдори 16-18,5%, мазаси жуда яхши, картошкаси оқ рангда (баъзида қизилсиёхранг пигментли айланалари хам бўлади), туганак массаси 80-110 грамм, вирусли касалликларга нисбатан чидамли.

Редстар нави хар қандай тупроқда хам ўсаверади, юқори хосилдор бўлган нав. Касалликларга чидамли, туганаги қизил рангда ва картошкаси кремли рангда.

Романо нави Нидерландияда яратилган бўлиб, у озиқ-овқатга мўлжалланган ўртacha эртаки навдир. Крахмал микдори 10-13%, мазаси жуда яхши, туганаги оғирлиги 70-80 грамм, касалликларга нисбатан чидамли.

Сантэ нави хам Нидерландияда яратилган бўлиб, у озиқ-овқатга мўлжалланган ўртacha эртаки навдир. Картошка-фри тайёрлаш учун жуда мос бўлган картошка тури. Гуллари оқ рангда, туганаклари йирик ва овал формада, картошкаси оч сариқ рангда, кесилганда қораймайди, крахмал микдори 10-14,2%, мазаси жуда яхши. Касалликларга анча чидамли бўлгани учун химикатларсиз хам ўстириш мумкин.

Серко нави Нидерландияда яратилган бўлиб, у хам озиқ-овқатга мўлжалланган жуда хам эртаки универсал навдир. Туганаклари думалоқ овал кўринишида, картошкаси оч сариқ рангда, крахмал микдори 10-14%, туганак оғирлиги 70-80 грамм, касалликларга чидамли ва жуда мазали.

Симфония нави ўртacha муддатда етиладиган нав бўлиб, у стабил ва юқори хосил бериш қобилиятига эга. Туганаклари овал формада, ажойиб таъмга эга, пишириш учун жуда кулай. Касалликларга ва вирусларга анча чидамли.

Сату нави турли хил касалликларга нисбатан жуда чидамли бўлиб, туганаклари кулинария маҳсулотлари тайёрлаш учун жуда мос келади ва жуда яхши сақланади.

Скарлетт нави қизил картошкалар ичида энг яхиси хисобланади. У касалликларга ва механик таъсирларга жуда чидамли хамда ноқулай об-хаво шароитларида хам яхши хосил беради.

Темп нави озиқ-овқатга ва техник мақсадларда фойдаланиш учун мүлжалланилган кечки нав бўлиб, ундан крекерлар тайёрлашда, картошка чипсилари тайёрлашда ва бошқа турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Ўсимлик тикка ўсади, баланд, гуллари оч кўк-сиёхранг. Туганаклари катта, силлиқ, кам миқдордаги кўзчалари бор. Картошкаси оч сариқ рангда, крахмал миқдори 18-23,5%, пиширилиши ва таъми жуда яхши. Касалликларга нисбатан чидамли.

Тимо нави эртаки нав бўлиб, ундан бир мавсумда икки марта хам хосил олиш мумкин. Биринчи хосилни 40-50 кундан сўнг, картошка ўсимлик тагидан эҳтиёткорлик билан кавлаб олинса, яна бироз муддатдан сўнг, bemalol иккинчи хосилни хам олиш мумкин. Туганаклари думалоқ шаклда, мазаси жуда хам яхши, жуда яхши сақланади.

Эскорт нави Нидерландияда яратилган бўлиб, у универсал фойдаланишга мўлжалланган ўртacha кечки навдир. Туганаклари катта, думалоқ, сариқ рангли, картошкаси хам сариқ рангда, мазаси яхши. Крахмал миқдори 15-16%, туганак массаси 85-110 грамм. Касалликларга чидамли ва қайта ишлаш учун жуда мос нав хисобланади.

2. Ерни экишга тайёрлаш

Картошка тупроқнинг pH = 5,5 – 6,5 бўлган шароитда яхши ўсади ва ривожланади. Гумус миқдори 2-2,5% бўлган яхши ишлов берилган тупроқлар картошканинг ўсиши ва юқори хосил бериши учун жуда хам мос келади. Картошка экиладиган тупроқ нематода билан касалланган бўлмаслиги керак. Ерни экишга тайёрлашда экин қолдиқлари тозаланади, органик ва минерал ўғитлар солинади, майдонлар кетма-кет 28-32 см чуқурликда хайдалади, ортидан 20-21 см чуқурликда чизелланади. Бароналаш билан бирга молаланиб, КРН-2,8А юмшатгич ёрдамида сугориш эгатлари олинади ва сугорилади. Ер етилиб, экиш механизми кириши мумкин бўлган даврда картошкани СН-4Б русумли мосламада экиш тавсия этилади. Эртаки картошка етиштириш учун жанубга қараган ва шунинг учун хам табиий равишда яхши иситиладиган ерлар танланади. Озиқ-овқат ва техниковий

мақсадларда ишлатиладиган картошкаларни кетма-кет 2 йил мобайнида бир майдонда экиш мумкин. Картошка Республикаизда асосан сабзавот ёки сабзавот ем-хашак алмашлаб экиладиган далаларда ўстирилади. Сабзавот алмашлаб экишда карам, бодринг, полиз экинлари ва илдизмевалилар, пиёз хамда дуккакли дон экинлари картошка учун энг яхши ўтмишдош хисобланади. Беда хам картошка ўсимлиги учун жуда яхши ўтмишдош экиндири. Беда экилган майдон хайдалгандан сўнг, кечки муддатда экиладиган картошкани экиш айни мақсадга мувофиқдир, чунки июнь-июль ойларигача беда илдизи ва унинг қолдиқлари чириб бўлади. Бедадан сўнг эртаки картошкани экиш яхши натижа бермайди, чунки чириб ултурмаган беда илдизларидан яна майсалар кўкариб чиқиб, картошкага ишлов беришни қийинлаштиради ва унинг хосилдорлигини анча пасайтириб юбориши мумкин. Картошкани сурункасига икки-уч йил мобайнида бир далага экиш сўлиш касаллигининг кўпайиб кетишига сабаб бўлади. Агар бир далага сурункасига картошка экиш зарурати туғилса, бунда албатта, оралиқ экин сифатида кузги кўк нухат ва шабдардан муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда қуёшли кунларнинг кўп бўлиши ва сунъий суғоришнинг кенг кўлланилиши картошкани эртаки экинлардан бўшаган ерларда такрорий экин сифатида экиб, юқори хосил олишга имкон яратади. Картошка экиладиган ер кузда 27-30 см чукурликда хайдалади ва бу ерларга эрта баҳорда борона солинади ва эртаки картошка экилади.

Ўтлоқи-ботқоқ ерларга эртаки картошкани эрта муддатда экиш учун эгатлар куз фаслида олиб кўйилгани маъкул. Бўз тупроқларда хам бу усулда экиш ижобий натижа беради. Картошка такрорий экин сифатида экилса, у экиладиган ер хайдалишидан олдин суғорилади, сўнгра хайдаб ва бир йўла бороналаниб, ундан сўнггина экилади.

Картошка органик ва минерал ўғитларга талабчан ўсимликдир. Азот унинг палагининг яхши ўсишига ва хосилдорлигининг кўпайишига ижобий таъсир қиласи. Азот меёридан ортиқча берилса, унинг етилишини кечиктиради, туганакдаги крахмални камайтиради, хосилнинг сақланишини

сусайтиради хамда айниган ва ёрилган туганаклар миқдорини кўпайтиради. Фосфор эса поясини ўсишдан тўхтатади, илдизини яхши ривожлантиради, картошка етилишини тезлаштириб, туганаклардаги крахмал миқдорини кўпайтиради. Калий ўсимлик томонидан азот ва фосфорнинг ўзлаштирилишини яхшилайди, илдиз қисмини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиб, турли хилдаги замбуруғ касалликларига хамда қурғоқчиликка ва паст хароратга чидамлилигини оширади. Ўзбекистоннинг сугориладиган тупроғи таркибида азот ва фосфор жуда камдир, шунинг учун бу минерал ўғитларни етарли миқдорда тўлалигича тупроқка солиш картошка ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Озуқа элементлари кам бўлган тупроқларга гўнг ва компост солиб, сўнгра картошка экилса, унинг хосилдорлиги кескин кўпаяди. Органик ва минерал ўғитларни биргалиқда қўллаш картошкага ижобий таъсир этади. Кўп йиллар мобайнида фойдаланиб келинаётган бўз тупроқларда картошка етиштирилса, қуйидаги миқдордаги минерал ўғитларни бериш тавсия этилади (*таъсир қилувчи модда хисобида Кг/га ларда келтирилган*):

Эртаки картошкага:

- Азот – 120 -150
- Фосфор – 80- 100
- Калий – 60

Кечки картошкага:

- Азот – 200-225
- Фосфор – 150- 160
- Калий – 90-100

Ўтлоқи тупроқларда эртаки картошкага:

- Азот – 100 -120
- Фосфор – 100- 120
- Калий – 50-60

Ўтлоқи тупроқларда кечки картошкага:

- Азот – 150 -180

- Фосфор – 140- 170
- Калий – 70-80

Органик ўғитдан гектарига 20-40 тонна берилса, азотли хамда фосфорли ўғитлар миқдори 20-30%, калийли ўғитларники эса 50-70% га камайтирилади. Органик хамда калийли ўғитларни тўлалигича, фосфорни эса – 70-80% - ини ерни шудгорлашдан олдин солиш керак. Фосфорнинг қолган қисми (20-25%) картошка экилиш даврида берилади. Эртаки картошка экилиш даврида эгат тубига азот ўғитининг 20% ини солиб, сўнг экилса, бу тадбир жуда яхши натижা беради. Бу ўғитнинг қолган қисми эса картошка ғунчалаш даврида берилади. Микроэлементлар (*бор, молибден, марганец ва бошқалар*) хам картошка хосилдорлигини сезиларли равишда оширади. Бунинг учун микроўғитларнинг 0,01-0,05% ли эритмаси билан туганаклар намланади ёки ўсимликлар баргидан озиқлантирилади. Бактериал ўғитлардан (*азотобактерин, фосфоробактерин*) фойдаланиш хам картошка хосилини сезиларли даражада оширади.

Картошка экиладиган ернинг хар 100 метр квадратига 50 кг гўнг, 2 кг суперфосфат ва 5 кг сўндирилган охак бериш хам жуда яхши самара беради. Бу усулда гўнгни сўндирилган охак билан олдиндан аралаштириб қўйилади, суперфосфатни эса ушбу аралашмани ишлатишдан бир кун олдин унга қўшилади. Ўғитларни картошкага беришнинг осонроқ усули – картошка экилаётган пайтда уни чуқурчаларга солишdir. Бунда ўғит сифатида чиринди (150-200 грамм), кул, товуқ гўнги, пиёз пўсти ишлатилиши мумкин. Тўла минерал ўғитни эса хар бир чуқурчага 3-5 граммдан қўшиш кифоя. Бунда ўғитни тупроқ билан аралаштириб юборилади ёки унинг сувли эритмасидан фойдаланилади. Картошкани экиш пайтида ёғочнинг кулидан қўшиш унинг таъмини яхшилайди ва туганаклардаги крахмал миқдорини оширади. Хар бир картошка экиладиган чуқурчага бир-икки чимдим кул солиниб, у тупроқ билан аралаштириб юборилади, сўнгра солинган ўғитларни 2-3 см-ли тупроқ билан кўмиб, ундан сўнг картошка экилади.

Картошканинг сифати тупроқ ва картошка навига боғлиқ бўлади. Зах, совуқ, лойли, ўғитлар билан бойитилмаган тупроқларда хеч қачон яхши картошка етиштириб бўлмайди. Картошкага бошқа сабзавот маҳсулотларидан кўра кўпроқ озиқ моддалар керак бўлади. Бу картошка хосилида қуруқ моддаларнинг жуда кўп миқдорда тўпланиши ва ўсимлик илдиз системасининг унчалик ривожланмаганлиги билан боғлиқдир. Ўртacha олганда хар 100 кг картошка туганаги тупроқдан 5 кг атрофида азот олади, 2 кг фосфор ва 1,5 кг атрофида калийни ўзлаштиради. Шунинг учун албатта бу ўғитларнинг ўрнини тўлдириш керак бўлади.

Картошка ўзидан сўнг далада нисбатан кам миқдорда ўсимлик қолдиқларини қолдиради, тупроқдан жуда кўп миқдорда озуқаларни тортиб олиб, уни озуқаларга камбағал бўлган холга келтиради. Шунинг учун хам уни тупроқни органик моддалар ва минераллар билан бойитадиган ўсимликлар билан алмашлаб экиш лозим бўлади. Масалан, кўп йиллик ўтлар, донли ва дуккакли ўсимликлар, карам, лавлаги, маккажўхори ва айниқса кўқон жухориларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Картошка экиладиган майдонга кузда бир марта ва баҳорда, картошка экилишидан олдин ишлов бериш керак бўлади. Ундан олдинги ўсимлик хосили йиғиб олинганидан сўнг, унинг барча қолдиқлари йиғиб олинади ва тупроқни 5-6 см чуқурликда хайдалади (чопилади). Бегона ўтлар оммавий тарзда чиқкан пайтда эса ер яна бир марта хайдалади. Агарда ер август-сентябрь ойларида чуқур хайдалса, кейинги йилдаги картошка хосилдорлиги 20-30% га ортиши кузатилган. Агар шу иш октябрда қилинса, хосилдорлик бунчалик бўлмайди. Шунинг учун картошка экиладиган ерни 15 сентябрга қадар хайдаб булиш керак. Бунда ерга минерал ва органик ўғитлар солинади (агар тупроқ анализи унга охак хам қўшиши кераклигини билдирса, унга керакли миқдорда охак хам солинади) ва у 25-30 см чуқурликда хайдалади.

Баҳорда, ер бироз қуриганда, намликни сақлаш мақсадида уни борона қилинади. Агар кузда органик ва минерал ўғитлар солинмаган бўлса, улар солиниб, ер яхшилаб хайдалади.

Компост тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган чиқитлар ва моддаларни кўрсатиб ўтамиз:

Азотга бой чиқитлар ва ўсимликлар (хўл)	Карбонга (углерод) бой ўсимликлар (қуруқ)	Бошқа чиқитлар (оз миқдорда)
<ul style="list-style-type: none"> • Бегона ўтлар • Янги юлинган ўсимликлар • Барглари кўк шоҳшаббалар • Карам барглари • Помидор палаги • Мева-сабзавот пучоқлари • Ошхона органик чиқитлари • Хайвонлар гўнги • Хайвон жунлари • Тухум пучоги, суюклар 	<ul style="list-style-type: none"> • Куруқ барглар • Маккажўхори ва буғдой поялари • Майдалаб қирқилган шоҳшаббалар (хаво айланишини яхшилайди) 	<ul style="list-style-type: none"> • Дараҳт гуллари • Патлар ва йиртилган ва нам қоғозлар (рангсиз) • Товуқ гўнги

Чиринди тайёрлаш учун янги мол гўнги, қўй гўнги, от гўнги ёки товуқ гўнги ишлатилиши мумкин. Гўнглар қазилган хандаққа тўкилганидан сўнг, уларнинг устидан бироз азот, фосфор, калий, микроэлементлар солиб, яхшилаб аралаштирилади, сўнгра чуқурнинг ўзида босилиб, прессланади. Унинг устидан бироз хаво кирадиган қилиб беркитилса, гўнг тез чирийди. Чириган гўнгнинг тайёр бўлиш муддати 6-8 ой. Агарда гўнгдан сийдик хиди келаётган бўлса, у хали тайёр бўлмаган бўлади.

3. Картошканинг ўғитларга бўлган эҳтиёжи

Картошканинг озиқ моддаларига бўлган эҳтиёжи асосан органик ва минерал ўғитлар воситасида қондирилади. Лекин органик ўғит бўлган гўнг

хаммасидан хам яхши ўғит тури бўлиб хисобланади. Чунки гўнг картошкани етарли микроэлементлар билан таъминлашдан ташқари, тупроқнинг физикавий хоссаларини хам анча яхшилайди. Органик ўғитларнинг дозаси тахминан 3-9 кг/кв.м. бўлиб, унинг аниқ миқдори тупроқ холати, гўнгнинг сифати ва кўриниши орқали аниқланади. Масалан, йирик қорамол гўнги 5-6 кг/кв.м. хисобидан, қўй ва отларники эса 4-5 кг/кв.м. хисобидан солинади. Агар ер жуда хам озгин бўлса, у холда гўнг миқдори 8-9 кг/кв.м. гача кўпайтирилиши мумкин. Органик ўғитларнинг ишлатилишига қўйилган асосий талаблар – уларни ўз вақтида солиш, ўғитни майдон бўйлаб бир текисда ёйиб (сочиб) чиқиш ва зудлик билан гўнг солинган ерни хайдашdir. Органик ўғитларни, энг яххиси кузда солиш керак ва ерни дарҳол хайдаш керак бўлади. Агар гўнг баҳорда солинса, у чириган бўлиши керак. Гўнг етишмаган тақдирда ўсимлик қолдиқларидан, бегона ўтлардан ва рузғордаги ортиқча органик қолдиқлардан компост тайёрлаш мумкин.

Картошкадан юқори ва доимий хосил олиш учун органик ўғитлар билан бир қаторда минерал ўғитларни хам ишлатиш керак бўлади. Бундай ўғитлардан максимал самара олиш учун уларни тупроқ шароитлари ва холати, етиштирилаётган навларнинг хусусиятлари ва хосил нимага ишлатилишини билиб туриб фойдаланиш керак бўлади. Тупроқнинг механик тузилиши ва pH даражаси, ундаги гумус, фосфор, калий миқдори, органик ўғитлар тури ва миқдори, олдин бу майдонга нима экилганлигини ҳисобга олган холда аниқланади. Кўпинча минерал ўғитларнинг миқдори қуйидагича бўлиши мумкин:

- Азот – 5-15 г/кв.м.
- Фосфор – 2-13 г/кв.м.
- Калий – 5-20 г/кв.м.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, картошканинг турли хил навларининг ўғитларга бўлган талаби ҳам турлича бўлади. Масалан, эртаки картошкалар азотни қўп миқдорда талаб қиласади. Кечки навлар эса фосфорли ва калийли ўғитларнинг миқдори кўпайтирилишини талаб қиласади. Шунинг учун эртаки

навларга азотли ўғитлар миқдорини 15-20% га кўпайтирилади, фосфорли ўғитлар миқдорини эса 10-15% га камайтирилади. Кечки навлар учун эса азотли ўғитлар миқдорини 15-20% га камайтирилади, фосфорли ва калийли ўғитлар миқдорини эса 10-15% ёки 15-20% га кўпайтирилади. Минерал ўғитлар асосан баҳорда солинади (факат калий хлоргина KCl кузда солинади, чунки ундаги хлор туганаклар сифатига салбий таъсир қилади). Хлорсиз калийли ўғитлар эса, азотли ўғитлар каби асосан кузда солинадилар. Ушбу минерал ўғитлар майдон юзасига бир текисда сочилади ва ундан сўнг чопиш ёки хайдаш орқали ерга аралаштирилиб юборилади.

Картошка тупроқдаги ўғитларнинг юқори концентрациясига чидамли ўсимлик бўлгани учун ўғитлар кўчатларга экилаётган вақтда солингандан ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин. Лекин картошкани экиш пайтида қаторларга ўғитлар солиш бундан самарадорроқдир. Чунки қаторларга ўғитлар солиш ўсимликлар ривожланишининг биринчи босқичида озиқланишини яхшилайди ва уларнинг яхши ўсишини таъминлайди. Бунда энг яххиси уч компонентали (нитрофоска, карбоаммофоска ва бошқалар) грануляция қилинган ўғитлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Уларни 20-30 грамм/кв.метр миқдорида солинади. Агарда икки компонентали ўғитлар (нитрофос, нитроаммофос, карбоаммофос) дан фойдаланилса, у холда калий ўсимлик униб чиққанидан сўнг, қўшимча озиқлантириш тариқасида берилади. Агарда аммофос ва диаммофос ишлатилса, у холда қўшимча равишда азотли ва калийли ўғитлар солинади (1-10 грамм/кв.м. аммиак селитраси ва 15-20 грамм/кв.м. хлорли ёки сульфатли калий хисобидан).

Картошка экиладиган ернинг ўртacha агрокимёвий кўрсатгичларида картошқага солинадиган асосий озиқ элементларининг $N : P_2O_5 : K_2O$ қўйидаги нисбатларига риоя қилиш лозим бўлади:

- Озиқ овқат учун – 1 : 0,8 – 1 : 1,5 – 1,8
- Ем учун - 1 : 0,7 – 0,8 : 1,1 – 1,4
- Уруғлик учун - 1 : 1 – 1,2 : 1,6 – 2

Томорқа участкаларида органик ва минерал ўғитларни локал усулда туганаклар тагига бериш жуда самарали бўлиб, бунда органик ва минерал ўғитларнинг сарфи икки марта камаяди. Бунинг учун 15-20 см-ли чуқурчага органоминерал ўғитлар аралашмаси солиниб, тупроқ билан аралаштирилади, кейин унинг устидан 1-2 см тоза тупроқ солинади ва сўнгра картошка туганаги қўйилиб, унинг устидан яна тупроқ солинади.

Калийли ўғит сифатида кулни ишлатиш хам мумкин – энг яхши калийли ўғит ўтсимон ўсимликлар кули бўлиб, ёмонроғи эса дарахт ва қўмирники хисобланади.

Агар ўғитлар унчалик сифатли бўлмасалар, минерал ўғитлар нормаси бироз оширилади. Агар 100 грамм тупроқда 8 мг дан кам миқдорда магний бўлса, у холда магнийли ўғитлар солиш талаб қилинади. Магнийли ўғитларга бўлган талаб қумли ва сочилувчан тупроқларда кўпроқ сезилади. Бундай холларда ерга долотмит уни 4-6 грамм/кв.м. нормада солинади. Картошкага доломит унидан ташқари, магнийли ўғит сифатида калий-магнийли концентрат (порошок кўринишида, таркибида 8-9% **MgO** бўлади), магний сульфат (кристалл кўринишидаги порошок, сувда эрийди, таркибида 16% **MgO** бўлади), магнийаммонийфосфот (мураккаб ўғит, таркибида 25,9% **MgO** бўлади), магнийли фосфат (таркибида 15% **MgO** бўлади), шенит (таркибида 9,9% **MgO** бўлади), каинит (таркибида 16,2% **MgO** бўлади), калимагнезия (таркибида 11% **MgO** бўлади) ва бошқалар ишлатилиши мумкин. Картошканинг магнийга талабчанлиги калийли ўғитлар кўп миқдорда солинганида хам пайдо бўлиши кузатилган.

Уй шароитларида ерга солинадиган минерал ўғитларнинг оғирлигини аниқлаш қуйидаги жадвалдан фойдаланган холда амалга оширилиши мумкин (*маълумотлар граммларда келтирилган*):

Ўғитлар	Стакан (200 см куб)	Гугурт кутиси (20 см куб)	Ош қошиқ (15 см куб)	Чой қошиқ (5 см куб)
Калийли ўғитлар				
Калий хлорид	190	19	14	5
Калий тузи	220	22	17	5

Сульфат калий	260	26	20	6
Фосфорли ўғитлар				
Оддий суперфосфат	240	24	18	6
Грануляция килингандык суперфосфат	220	22	17	5
Иккиланган суперфосфат	200	20	15	5
Фосфорит уни	350	35	26	9
Азотли ўғитлар				
Аммоний сульфат	186	19	14	5
Аммиакли селитра	165	17	12	4
Мочевина	130	13	10	3
Мураккаб ўғитлар				
Нитрофоска	200	20	15	5
Охакли ўғитлар				
Охак уни	340	34	25	8
Доломит уни	300	30	22	8
Сўндирилган охак	120	12	9	3
Ёғоч кули	100	10	8	2,5

4. Картошканинг туганакларини экишга тайёрлаш

Картошка экишдан олдин амалга ошириладиган ушбу жуда ҳам муҳим юмуш туганакларнинг яхшиларини ажратишидан, уларни калибровка қилишдан (*катта-кичикка ажратиш*), ўстиришидан, керакли хароратларда бироз қиздиришидан, туганакларга кимёвий моддалар билан ишлов беришдан, уруғлик туганакларга уларнинг ўсишини тезлаштириш, униб чиқишини жадаллаштириш, ўсимлик ривожланиш даврини қисқартириш мақсадларида махсус ишлов беришдан иборат бўлади. Бу ишларни қилишдан асосий мақсад – картошкадан эрта муддатларда хосил олиш, хосилдорликни ошириш, картошкани турли хил касаллик ва зааркунандалардан ҳимоялаш ҳамда уни механик усулларда йигиштириб олишдаги йўқотишларни камайтиришдир. Туганакларга ишлов бериш уни экишдан 1-1,5 ой аввал

амалга оширилиши лозим бўлади. Картошка етиштиришда навларга хос бўлган туганакларни ажратиб олиш хамда айниганларини ва ипсимон ўсимта берганларини эса йўқотиш (брак қилиш) катта аҳамиятга эгадир. Уруғлик учун ажратилган картошка туганаклари вазнлари буйича уч хилга ажратилади:

- 25-50 граммли
- 50-90 граммли
- 90 граммдан ортиқ

Картошканинг вазни 90 граммли ва ундан ортиқ бўлган туганаклари кўзчаларининг жойлашишига қараб, иккига бўлиб экиладилар. Кесилган уруғларга экилишидан олдин **ТМТД** препарати сепилади, бунда 1 тонна кесилган урукка 3,0-3,5 кг препарат сепилади. Ёз муддатларда экиладиган картошка туганаклари кесилмайди, чунки юқори харорат таъсирида улар чириб кетадилар.

Эртаки картошка пишишини тезлаштирадиган ва хосилдорлигини оширадиган самарали усуллардан бири, картошка туганакларини ёруғ хоналарда 12-13 градусда (тезпишар навларини 20-25 кун давомида ва ўртапишар навларини эса 30-35 кун давомида) ундиришдан иборатdir. Бу қуидагича бажарилади: хонадаги токчаларга (сукчакларга) картошка туганаклари икки қатор қилиб териб қўйилади ёки 10-12 кг ли юза қутиларга жойланади, қутилар бўлмаса, туганакларни 10-12 кг сигадиган полиэтилен қопчаларни 10-15 еридан 3 см узунликда кесиб, унга хам солиб қўйиб ундириш мумкин. Агар картошкани ундириш учун хона мавжуд бўлмаса, туганакларни очик майдонда плёнка остида қутиларда ёки полиэтилен қопчаларда хам ундириш мумкин. Юқоридагилардан ташқари, эртаки картошка уругини ундириш даврида хароратни 8-10 кун мобайнида 18-20 градусгача ошириб, сўнгра 2-3 соат мобайнида 30-35 градусгача кўтариш ижобий натижада беради.

Ёзда экиладиган картошка уруғларини экишга тайёрлашнинг асосий омилларидан бири, туганакларнинг кўкарган кўзлари 8-10 см га етгандан

сўнг уларни синдириб олиб ташлашдир. Кўкарган кузларни синдириш амали сўнгги маротаба картошка экилишига 1,5 – 2 хафта қолганда амалга оширилиши керак, бунда туганаклар экилгунига қадар уларда янги кўзлар ниш уради ва картошка ердан тез униб чиқади. Баҳор ва ёз фаслида картошка экилишидан олдин тугунакларни уларнинг ўсишини бошқарувчи моддалар - **Гибереллин** 0,5 мг/л ва **ТУР** 500 мг/л эритмасига солиб, сўнг экилса, ижобий самара беради. Энди юқорида айтилганларни систематик тарзда ва алоҳида холда кўрсатиб ўтамиш:

Туганакларни танлаш ва калибровка қилиш (саралаш)

Баҳорда, харорат кўтарилиш билан, экишга мўлжалланилган туганаклар орасидан касаллари, ириганлари, механик заарланганлари, формаси ва катталиги бўйича ностандартлари олиб ташланади. Вирус касалликлар билан билан оғриган туганаклар (бадбашара, ипсимон ўсимталари бор, қийшиқ-қингир, бир қисми чириганлар) уруғлик картошка орасига тушиб қолмаслигига алоҳида эътибор бериш керак, чунки бундай туганаклардан барг қисми ёмон ривожланган кучсиз ўсимликлар хосил бўлади. Ўсиб кетган туганаклар хам йўқотилади, узун ўсимталар узиб ташланади, ностандарт (25 граммдан кичик ва 100 граммдан катта) туганаклар уруғлик картошка таркибидан олиб ташланади.

Картошка ўсимлигининг бир текис ривожлаланиши ва унинг хосилдорлигига уруғлик картошканинг ўлчамлари ҳам катта таъсир қиласи. Шунинг учун ҳам туганакларни ўлчамлари бўйича гуруҳлаш амалга оширилади (калибровка қилинади). Бунда туганаклар қуидаги гуруҳларга бўлинади:

- Майда гурух – 20-25 граммли туганаклар
- Ўртacha гурух – 50-80 граммли туганаклар
- Катта гурух – 80-100 граммилар

Бу амал туганакларни экиш зичлиги ва чуқурлигини аниқ хисобга олиш имконини яратади ҳамда бу иш ўсимликнинг бир текисда униб чиқиши ва ривожланишини таъминлайди. Экиш учун кўпинча майда ва ўрта гурухга

(фракцияга) мансуб туганаклар ишлатилади. Эртаки картошка олиш учун майда фракцияни ишлатиш тавсия этилмайди, чунки тез униб чиқиш ва жадал ривожланиш учун майда фракцияда озиқ элементлари етишмайди. Натижада картошка хосилини олиш муддати кечиқади. Ундан ташқари, майда фракцияга мансуб туганаклар касал ва унчалик ривожланмаган картошкалардан хосил бўладилар, шунинг учун ҳам улардан олинадиган хосил касалликларга мойил бўлиб қолиши мумкин. Катта туганаклар кўп миқдордаги кучли ва серхосил ўсимталар берадилар, лекин озиқ моддалар камчил бўлган тупроқларда уларга озиқ моддалар етишмайди ва шу сабабли картошка хосили бир текисда бўлмайди. Илдизпояларда катта ва сифатли картошка билан бир қаторда, майда ва бадбашара картошкачалар ҳам кўп миқдорда хосил бўлади. Лекин оғирлиги 80 граммдан ортиқ бўлган уруғлик картошкани дефицит ва яхши навларни кўпайтириш мақсадида экиш тавсия этилади. Кўпинча бундай туганакларни кесишга тўғри келади. Картошканинг янги навларини кўпайтириш учун жуда майда 10-25 граммли туганаклар ҳам ишлатилиши мумкин. Улар экилишдан аввал ундириб олинади ва қаторларга 15-20 см оралиқда экилади.

Туганакларни қисқа муддат қиздириб олиш

Бу амал туганакларга қисқа муддат давомида юқори хароратларни таъсир қилдириш бўлиб, бунинг натижасида ферментатив жараёнлар тезлашади, кўзчалардан ўсимталар ўсиб чиқиши жадаллашади, униб чиқиш жараёни тезлашади, ўсимлик яхши ривожланади ва хосилдорлик анча кўпаяди. Бу ишни бажариш учун туганакларни картошка сақланадиган жойларда, теплица ва иссиқхоналарда ҳамда шунга ўхшаш жойларда юпқа қатлам кўринишида ёйиб чиқилади. Бу хона иссиқлик берувчи ускуналар ёрдамида 35-40 градусгacha иситилади ва бу хароратни 2-3 сутка давомида 3-4 соатдан ушлаб турилади ёки туганакларни шу хароратда бир кун 10 соат давомида сақлаб туриш ҳам мумкин. Бу муддат тугагандан сўнг, иссиқ хаво тўпланиб, картошкани парлатиб, заарлаб қўймаслиги учун хона

шамоллатилади. Ушбу туганакларни қиздириш усули уларни экишдан 2-3 кун олдин амалга оширилади. Бу амал хосилдорликни 8-10% га оширади.

Картошка уруғлик туганаклари териб қўйилган токчаларни экишдан 5-7 кун олдин суткасига 2-3 соатдан 35-40 градусли хаво билан пуфлаш ҳам мумкин. Бошқа вақтларда эса харорат 18-25 градусларда сақланади.

Уруғлик картошкаларга иссиқ хаво билан ишлов бериш тадбири кечки пайтлар ташқарида мусбат температура бўлган вақтда бошланади. Бунда картошкалар текис майдонга 2-3 картошка қалинлигига ёйиб қўйилади ва очиқ хавода 10-15 кун сақланади. Агар қирор тушиши кутилса, картошка сомон ёки полиэтилен плёнка билан ёпиб қўйилади. Кун исиб кетса, туганаклар қуёшда куйиб кетмаслиги учун уларнинг устига бўз ёпиб, соялатилади. Бу вақт мобайнида картошкаларда экиш вақтида синиб қолмайдиган қисқача ўсимталар пайдо бўлади.

Туганакларни 10-15 кун давомида қуёшда қиздириш ҳам мумкин. Бунинг учун улар юпқа яшикларга солиниб, усти полиэтилен плёнкалар билан ёпилади. Бу амал уруғлик картошкаларни уйқудан уйғотади, туганакларда кўзчаларнинг кўп миқдорда хосил бўлишига олиб келади ва хосилдорликни анча оширади. Агар уруғлик картошкага касаллари ажратилмаган холда иссиқ хаво билан ишлов берилса, у холда касал туганакларини ажратиш анча осон бўлади, чунки ишловдан сўнг фитофтороз, парша, қуруқ ва хўл чириш, ризоктониоз касалликлари белгилари яққол кўринади ва уларни осонлик билан соғломларидан ажратиб ташлаш мумкин бўлади.

Туганакларни уйғотиши

Бу усул уруғлик картошкани экишга тайёрлашнинг энг оддий усулларидан биридир. Бунда хосил оддий муддатларга нисбатан 5-8 сутка олдин олиниши мумкин бўлади. Бу амал туганакларнинг униб чиқишини 10-12% га ва хосилдорликни 8-10% га кўтаришга имкон беради. Бу амал тадбиқ қилинган кечки картошка ўсимликлари эса тезроқ ривожланадилар, тупроқдан озиқ элементларини самарадорроқ ишлатадилар, картошканинг

тери қисми пишикроқ бўлади ва шунинг учун уларни узоқ муддат сақлаш ҳам анча қулай бўлади.

Туганакларни уйғотиш тадбири уларни 10-12 кун давомида 12-15 градусда сақлаб амалга оширилади. Харорат бундан баланд ҳам бўлиши мумкин ва уни хар қандай ёруғлик тушадиган ва иссиқ жойда амалга ошириш мумкин. Туганаклар юпқа қилиб ёйиб қўйилади ва униб чиқиш бошлангунча шундай сақланади.

Туганакларни ундириш

Бу амал картошканинг тез ва бир текис ўсиб чиқишини, тезлик билан ривожланишини, картошка шохчалари сонининг кўпайишини таъминлаб беради. Бу иш вегетация даври кам бўлган шароитларда эртаки картошка етиштиришда, уруғлик картошка олишда ва озиқ-овқат учун картошка етиштиришда жуда аҳамиятга эга.

Ёруғликда ундириши. Уруғлик картошкани плёнкали иссиқхоналарда ёки маҳсус плёнка ёпилган майдонларда амалга ошириш мумкин. Бундай жойларда харорат 12-16 градус бўлишини таъминлаш жуда муҳим (лекин харорат ўзгариши 8-18 градусгача бўлиши ҳам мумкин). Агар харорат 20 градусдан ошиб кетса, картошка хосилдорлиги ва уруғлик картошка сифати анча бузилади. Уруғлик картошкани ёруғлик таъсирида ундиришда уларнинг бир текис ёритилишига аҳамият бериш керак бўлади. Агар ёруғлик етарли бўлмаса, у холда қўшимча ёритиш ускуналари қўйиш керак бўлади. Ёруғликда ундириш жараёни 25-30 кун давом этиб, туганакларни хар куни 8-10 соатдан ёритиш талаб қилинади. Бу давр мобайнида туганакларда 1-1,5 см ли қалин тўқ яшил рангли ўсимталар пайдо бўлади. Хароратни пасайтирган холда, ундириш муддатини узайтириб, каттарок ўлчамдаги ўсимталарни ҳам олиш мумкин. Бу амал картошканинг ўсиш самарадорлигини оширади, аммо энди ўсимталар синиб колмаслиги учун туганакларни қўлда экишга тўғри келади. Куёш нури, картошка униб чиқишини тезлаштириб билан бир қаторда, картошка ўсимлигининг ҳамда хосилининг нематода ва бошқа касалликларга қарши чидамлилигини ҳам

оширади. Ёруғликда ундиришнинг асосий шартларидан бири - хонадаги хавонинг намлигидир. Намликнинг энг яхши, оптимал даражаси 85-90%. Намликнинг бундан кам бўлиши туганакларнинг намликни йўқотишига, кўплиги эса замбуруғли (грибковый) ва бактериал касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Туганакларнинг бир текис униши учун уларни решеткали яшикларга солинади ёки 2 қатор қилиб, токчаларга, стеллажга ёки бошқа жойларга териб чиқилади. Ундириш жараёнида касал туганакларни вақти-вақти билан соғларидан ажратиб олиш ва хонани шамоллатиб туриш керак бўлади.

Уруғлик картошкани целлофан пакетларда ва қопларда хам ундириб олиш мумкин. 180 X 32 см ли қопларни 0,1 мм ли шаффоф плёнкадан тайёрлаб, унда 10-15 см оралиқда хаво кириши учун 20-25 мм ли тешиклар хосил қилинади. Қопнинг бир томонини икки марта эгиб, уни 0,9-1 мм ли сим билан тикиб кўйилади. Қопга 30 кг атрофидаги картошкани қопни ўртасидан букиш мумкин бўладиган қилиб солинади. Қопнинг бошқа томони хам сим билан тикилади ва қоп ўртасидан бирор жойга осиб кўйилади. Энди қоплардаги картошкаларни 25- 35 сутка давомида 10-15 градусда ундирилади (кечки харорат 5 градусдан кам бўлмаслиги керак). Қоплардаги юқори харорат (температура) натижасида уларга солинган туганаклардан картошка ўсимталари униб чиқади ва уларнда илдиз системаси ҳам хосил бўлади. Қоплардаги картошкалар тешиклар орқали вентиляция қилинганлиги учун туганакларнинг илдизлари бир бирига чирмашиб кетмайди. Униб чиқиш бир текис бўлиши учун қоплар хар 10 кунда тескари томонга ағдарилиб кўйилади. Агар картошкалар яшикларда ундирилса, уларнинг ҳам пастдагилари тепага, тепадагилари эса пастга олиб кўйилиши керак.

Ундиришнинг ҳўл усули. Бу усул картошкани жуда хам эрта муддатларда етиштириш учун ишлатилади. Намгарчилик хосил қиласидан муҳит сифатида қипик, чиринди ёки торфдан фойдаланиш мумкин. Намгарчиликни доимий ва бир хил даражада - материал тўла намлигининг 75-80% атрофида сақлаб туриш талаб этилади. Намликнинг камайиши ва

кўпайиши салбий таъсир қиласи: намлик кўпроқ бўлса, туганаклар хаво етишмаслигидан димикиб, ўсишдин тухтайдилар ва чирийдилар, кам намлик даражасида эса уларнинг илдиз системаси ёмон ривожланади. Ундирилишда харорат 12-15 градус бўлиши керак. Намгарчилик ёки хўл усулда ўсимликнинг тез ривожланиши туганакларнинг илдиз системаси борлиги билан изоҳланади. Ўсимлик мустақил озиқланишга ўтади, илдизларда эса шохлар хамда баргларнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган специфик уланишлар пайдо бўлади. Ундан ташқари, илдизлар туганаклар фосфорини ўсимлик таркибий қисмларига харакатлантириш учун алоҳида роль ўйнайди ва сувни хужайраларга харакатлантириш учун хизмат қиласи.

Туганакларни бундай усулда корзиналарда, яшикларда ёки бошқача идишларда ўстириш мумкин. Корзина ёки яшик тагига олдиндан 12 градусгача қиздирилган сочилувчан материал 2-3 см қалинликда солинади. Унинг устига туганаклар учи тепага қаратилиб, териб чиқилади ва туганаклар усти яна шу материал билан қопланади. Лекин бунда туганакларнинг устки қисмидаги материал 2-3 см қалинликдан ошиб кетмаслиги керак. Ундан сўнг, яна бир қатор туганаклар териб чиқилади ва унинг устига яна материал тўшалади. Туганаклар корзиналарда 5 қатордан ва яшикларда 3 қатордан ошмаслиги керак. Туганакларнинг намлик муҳитда ундиришиш муддати 15-20 кунлар бўлади. Намгарчилик шароитида ундириши қоронғи хоналарда хам амалга ошириш мумкин. Бу холда хам харорат худди ёруғ хоналардагидек бўлаверади. Бундай туганаклардан картошкалар ерга экилганидан сўнг 4-7 кунда ўсиб чиқади.

Бундай ундириш усулини очик майдонларда хам амалга ошириш мумкин, лекин бу ишни совуқ тушиши хавфи йўқолгандан сўнг қилингани маъқул бўлади. Бунинг учун текис ер майдонида нам сақлайдиган материални 10-15 см қалинликда солиб чиқилади ва унга бир қатор картошка териб чиқилади ва унинг усти яна хўлланган материал билан 3-4 см қалинликда тўшалади. Шундай тарзда 8-10 қатор картошка териб чиқилади. Ундан сўнг, картошкаларнинг устки қисмига 15 см ли қалинликда торф ёки

чиринди тўшалади. Бу конструкциянинг таги 1,5 метр, устки қисми 1 метр, баландлиги 0,8-1 метр атрофида бўлиши мумкин. Баъзи пайтларда бундай усулда терилган картошка туганаклари биоёқилғи билан хам иситилиб, ундириладилар. Бунинг учун юқорида қўрсатилган картошкани тахлаб, ундириш схемасини амалга оширишдан аввал, унинг таг қисмига 25-30 см қалинликда чириб исиётган от гўнги тўшалади. Унинг устидан эса тупроқ тўшалиб, сўнгра юқорида айтилган схема буйича картошка туганаклари териб чиқилади. Лекин бу иккала усулда хам ўсимталар ва илдиз тизими жуда хам ўсиб кетмаслигига эътиборни қаратиш керак бўлади. Туганакларнинг ўсимта ва илдизлари туганак диаметри ўлчамидан катта бўлиб кетмаслиги керак. Жуда хам катта бўлиб ўсиб кетган ўсимта ва илдизлар экишдан олдин синдириб ташланади. Намгарчилик ёки хўл усулда ундирилаётганда туганакларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш кучли ва соғлом ўсимталар олишга хизмат қиласиди. Бунда минерал ўғитли эритма таркиби ва концентрацияси турли хил бўлиши мумкин (10 литр сувга):

- 60 грамм суперфосфат ва 20 грамм хлорли калий
- 30 грамм аммиакли селитра, 30 грамм хлорли калий ва 60 грамм суперфосфат.

Бундай эритмалар таркибига Мис, Марганец, Бор каби микроэлементларни киритиш туганакларнинг касалликларга қарши чидамлилигини анча оширади.

Ундиришининг мураккаб усуллари. Туганаклар аввал кучли яшил ўсимталар хосил бўлиши учун ёруғликда сақланадилар, сўнгра эса ундиришининг хўл усули қўлланилади. Бунда хўл ундириш муддати 7-10 кунга қисқаради.

Картошкани бўлакларга бўлиш

Ноёб (дефицит) навларни тезкорлик билан кўпайтиришда ва уруғлик камчил бўлган холларда ёхуд уруғлик картошка жуда йирик бўлганда ишлатилади. Лекин шуни хам айтиб ўтиш керакки, йирик уруғлик картошка юқори хосилдорликка замин бўлиб, соғлом янги уруғлик картошка беради.

Хар бир туганак 6 дан 18 тагача кўзчаларга эга бўлади. Кўзчалар сони картошка катталигига, навига, формасига боғлиқ бўлади. Туганак кўзчаларининг 50-70% и унинг юқори қисмида жойлашган бўлади, қолганлари эса ўрта ва пастки қисмида бўлади. Лекин туганакнинг барча қисмлари хам уруглик сифатида ишлатиш учун яроқлидир. Туганакни узунасига ёки кўндалангига кесиш мумкин ва уларни барчаси хам бир хил хосил беради. Лекин туганакни узунасига икки кисмга ёки узунаси ва кўндалангига – 4 қисмга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда тўртбурчакли кесик туганаклар хосил бўлади. Туганакларни бўлакчаларга кесиш физиологик жиҳатдан хам мақсадга мувофиқ, у кўзчаларнинг ривожланишини жадаллаштиради. Агар туганак кесилмай, экилса, унинг фақатгина юқори кўзчалари кўкаради, ўрта ва пастки қисмлардаги кўзчалар эса ўсмайди ва йўқ бўлиб кетади. Кесилганда эса улар ҳам кўкариб, хосил бериши мумкин. Аммо картошканинг барча навлари хам кесишга мослашган эмас, фақатгина туганакларида камроқ миқдорда крахмал бўлган эртаки ва ўртаки картошкалар кесиб экишга мослашганлар. Кечки навлар кесишга унчалик мослашмаганлар. Баъзи навлар эса кесилиб экилишни умуман хуш кўрмайдилар.

Барча нав картошкаларига кесишдан олдин хаволи-иссиқ ишлов бериш ва ўсиш жараёнида ферментатив фаолиятни фаоллаштириш учун стимуляторлар орқали ишлов бериш лозим. Кесилишдан аввал туганаклар бироз униб чиқаётган кўзчаларга эга бўлишлари керак. 80-100 граммли туганакларни иккига бўлинади, каттароқларини эса хар бири 2-3 кўзчалик 3-4 бўлакка бўлинади. Картошка кўп миқдорда бўлса, уни экилиш куни кесилади, акс холда уларнинг сифати бузилиб, чириб кетадилар. Кичик миқдордаги уруғлик картошкаларни экилишдан 2-3 сутка олдин кесилиб, кесилган томонини тепага қаратиб, сўлитиб қўйилади. Қора илдиз таги ва чириш касалликлари тарқалишининг олдини олиш учун хар бир туганак кесилганидан сўнг, пичноқ дезинфекцияланади (буниг учун 3-5% ли лизол, лизоформ, марганцовка ёки формалин ишлатилиши мумкин). Кесилган

жароҳатнинг тез битиб кетиши, касалликлардан ҳимояланиш, чириш ва бошқа касалликларнинг вируслари жойлашиб олишининг олдини олиш, ўсимлик ривожланишини тезлаштириш, хосилдорликни кўпайтириш учун кесилган туганакларни торф ёки қўнғир кўмир каби стимуляторлар эритмасига солинади ёки улар билан пуркалади. Экишдан олдин кесилган туганаклар стимуляторларнинг 0,005 – 0,01% ли эритмасига ботирилади ёки улар пуркагич орқали пуркалади. Стимуляторлар билан ишлов берилган 25-30 граммли кесилган туганаклардан оғирлиги 80-90 грамм бўлган бутун уруғлик картошкадан олинган каби хосил олиш мумкин. Стимуляторлар билан ишлов бериш натижасида нав ва туганак холатига боғлиқ равища хосил 22-29% га кўпайиши исбот қилинган. Бундай ҳимоячи-стимулятор сифатида торф оксидати ўзини жуда яхши кўрсатган. Уни 0,001-0,005% концентрацияда ишлатилади. *Туганак кесилган жойнинг тез битиши учун, наст ҳароратдан ва намгарчиликдан хамда микорорганизмлардан ҳимояланиши учун кесилган туганакчалар устига қобиқ сифатида органоминерал аралашма суртилади.* Бундай қобиққа материал тайёрлаш учун чириш даражаси 5-20%, намлиги 45% бўлган **70% торфга**, чириш даражаси 30-35%, намлиги 60% бўлган **26,9% торф, 0,9% мочевина, 1% иккиланган суперфосфат ва 1,2% хлорли калий** қўшилади. Тайёрланилган аралашмага 70% сув қўшилиб, аралаштирилади ва кесилган туганакларга суртилади, сўнгра улар 20-24 соат давомида 40-42 градусда намлиги 30-40% га етгунча қуритилади. Бундай аралашма ўсимлик яхши ривожланиши учун керакли бўлган микдорда озиқ моддалари билан, ҳимоя қобиғи билан, пишиқлик билан, хаво ва сув ўтказувчанлик билан таъминлаб беради. Аралашма таркибидаги минерал қўшимчалар туганакнинг бир қисми кесилиши туфайли йўқолган озиқ моддалар ўрнини тўлдириш учун хам хизмат қиласи. Тупроққа экилганидан сўнг, қобиқ шишади ва парчаланади, картошка ўсимталари эса бошлангич ўсиш даврида илдиз қисм атрофидан қобиқда бўлган керакли озиқ моддаларни ишлатадилар. Бу эса ўз навбатида

картошканинг интенсив равища ривожланишига олиб келади. Аралашма билан ишлов бериш туфайли хосилдорлик 40-52% га кўпаяди.

Кесилган бўлакчаларни микроорганизмлар ва чиришидан ҳимоя қилиши ва кесилган жой битишини тезлаштиришнинг энг оддий усулларидан бири картошка кесилган жойларига элакдан ўтказилган кулни сепишdir. Кесилган бўлакларни полиэтилен плёнкага солинади, сўнгра унинг устидан кул солинади ва яхшилаб аралаштирилади. Ундан сўнг, бўлакчалар юпқа қатламда қуритиш учун ёйиб қўйилади. Бунда 100 кг картошкага 0,5-1 кг кул керак бўлади, холос. Кесилган картошка бўлакчаларини енгил тупроқли ва яхши иситиладиган майдонларга бутун картошка экилганига нисбатан 2-3 см юзароқ экилади. Бўлакчалар орасидаги масофа эса 18-20 см бўлиши кифоя.

Туганакларни стимуляция қилувчи кесиши усули. Туганакдан иложи борича кўпроқ кўзчалар ўсиб чиқиши учун улар кўндалангига кесиладилар (аммо улар бўлиб ташланмасдан, кесилган қисмлар бири-бирларини ушлаб турадиган холатда кесиладилар). Бундай иш амалга оширилганда, туганак юқори қисмида жойлашган кўзчаларнинг пасткиларининг ривожланишига секинлаштирувчи таъсирининг олди олинади ва шунинг учун улар хам ўсиб чиқа бошлайдилар. Бундай амал натижасида туганакдан хосил бўладиган ўсимталар сони 40% ва ундан ортиқроқ миқдорга кўпаяди. Туганакларни кесиши дезинфекция қилинган пичноқ ёрдамида кузда ёки қишда амалга оширилади ва экилишдан 1,5-2 ой олдин тугалланади.

Туганак кесилганида унинг кўндаланг йўналишдаги 1 см дан кўп бўлмаган қисми кесилмасдан қолдирилади. Кесилган юзалар жуда ҳам яқин жойлашган бўлгани учун туганаклар қуриб қолмайдилар. Туганакнинг кесилган жойида пробкали қатлам пайдо бўлгани учун унинг ички қисмига инфекциялар киришининг олди олинади. Кесилган туганакларни алоҳида гурухлар кўринишида сақланади ва кесилган туганаклар бутунлигicha экилади. Туганакларни кесиши амали уруғлик материални самарали ишлатишга ёрдам беради ва хосилдорликни кўпайтиради. Бу амалнинг самарадорлиги картошка навининг биологик хусусиятларига ҳам боғлиқ.

Турли хил картошка навларида хосилдорликнинг кўпайиши 28-53% гача бўлиши мумкинлиги кузатилган.

5. Картошкани экиш

Энг кўп хосилдорликни таъминлаш учун картошка эрта муддатларда, етилган ва яхши тайёрланган тупроқка экилиши лозим. Ундирилган картошкалар тупроқ харорати 10 см чуқурликда 5-6 градусга етганда экилади. Униб чиқмаганлари эса тупроқ харорати 7-8 градусга етгандагина экиладилар. Картошка унчалик исимаган тупроққа экилса, узок вақт униб чиқмайди ва баъзи холларда чириб ҳам кетади. Агар картошка экишнинг энг маъкул муддатларига нисбатан 10 кун кечикилса, хосилдорлик 30% га камаяди. Муддатидан кеч экишга эртаки ва ўрта навлар жуда ҳам сезгир бўладилар. Кейинги пайларда олимлар картошкани кўзчалар билан, ўсимталар билан ва картошканинг юқори қисмини кесиб экишни тавсия қиласилар, чунки ушбу холларда картошка ўз навининг асосий хусусиятларини яхши сақлаб қолади, кўпроқ хосил беради ва турли хил касалликларга нисбатан анча чидамли бўлади. Ундан ташқари, бундай усулларда экиш уруғлик картошкани анча иқтисод қилиш имконини беради. Бунинг учун картошка туганагидан бўлакчаларни хар бирида бир-иккита кўзча қолдириб кесилади ва уларни 2-3 кун фильтрлайдиган қоғозга кесилган жойи билан қўйиб қўйилади ва ундан сўнг тайёрланган тупроққа 2-3 см чуқурликка экилади. Экиш зичлиги картошка навидан, туганаклар катталигидан, тупроқ қандайлигидан ва бошқа шарт-шароитлардан аниқланилади. Тез пишадиган навлар зичроқ, ўрта ва кечки навлар эса очикрок экилади. Картошка экилган қаторлар орасидаги масофа 50-60 см дан кам бўлиши мумкин эмас, ўсимликлар орасидаги масофа эса қуйидагича бўлгани маъкул:

- Бутун уруғлик картошкалар – 30-35 см
- Юқори қисми кесилганлар – 25 см
- Кўчатлар кўринишида – 20 см.

Агар картошка уялаб экилса (яни бир жойга 8-10 см оралиқда иккита-учта туганак экилса), хосилдорликнинг анча кўпайишига эришиш мумкин. Ўзбекистон шароитларида экиш схемаси 70x25x30 см ёки 90x20x25 см бўлгани маъкул. Майдонлар уруғлик тўлиқ униб чиққунча об-хаво ва ер шароитига кўра 1-2 марта сугорилади. Сугоришдан 4-6 кун ўтгач, бегона ўтлар йўқотилади. Уруғлар униб чиққандан кейин 20-25 кун ўтгач, ўсимликларга комплекс ишлов берилади. Қатор оралари 15-16 см чуқурликда юмшатилади. Кейин эса ўсимлик оралари енгил чопик қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади. Ундан сўнг, биринчи марта азотли ўғит билан қондириб сугорилади. Иккинчи комплекс ишлов бериш биринчисидан кейин 25-28 кун ўтгач ёки ўсимликлар ғунчалайдиган даврда амалга оширилади.

Картошкани кўчат тайёрлаб экиш.

Агар картошка кўчатлар тайёрлаш усули билан экилса, у холда эртаки хосил олиш мумкин бўлади. Картошка кўчати олиш учун уруғлик картошкадан энг соғломлари танлаб олинади ва улар ёруғликда ундирилади. Сўнгра униб чиққан картошкалар парникка 15-20 см оралиқдаги қаторларга 5-8 см чуқурликда ва ўсимликлар орасидаги масофа 10-15 см бўлган холда экилади. Усти эса чириган гўнг, торф ёки чиринди-компост билан ёпилади. Шундан сўнг картошка 2-3 хафта давомида тупроқ хароратини 12-20 градусларда сақлаган холда ўстирилади. Ўсимликлар 6-8 см баландликка эга бўлганидан сўнг, улар эҳтиёткорлик билан парникдан очик майдонга олиб чиқиб экилади.

Кўчат олиш учун торфли стаканчалар ёки полиэтилен пакетчалар ҳам ишлатилиши мумкин. Уларнинг баландлиги 11 см, пастки қисми диаметри 11 см, юқори қисми диаметри 12,5 см, деворининг қалинлиги эса 1,5 см бўлгани маъкул. Картошкани 9 см чуқурликка экилади. Бундай уруғлик картошка экилган стаканчалар ёки полиэтилен пакетчаларни парникка қўйилиб, кўчат етиштирилади ва кейин у хам очик майдонларга экилади. Бу кўчатлардан ҳам жуда эртаки картошка хосилини олиш мумкин бўлади. Агар уруғлик картошка етишмаса, туганакларни бўлиб экиш ҳам мумкин.

Туганакларга ишлов бериш

Туганакларга касалликлар ва зараркунандаларга қарши ишлов берииш

учун қуидагилардан фойдаланиш мүмкін:

- Ризоктониозга қарши - 50% ли агроцид, 50% ли бенлат, 75% ли витавакс, 80% ли дитан, 60% ли нитрафен, 50% ли фундазол.
- Фомозга қарши – 50% ли агроцид, 50% ли бенлат, 50% ли фундазол.
- Фитофторозга қарши – 75% ли ботран, 60% ли нитрафен, 80% ли ТМТД, 40% ли формалин.
- Паршага қарши – 60% ли нитрафен, 80% ли ТМТД, 40% ли формалин.
- Хүл чириш касаллигига қарши – 75% ли ботран, 50% ли картоцид, 80% ли ТМТД, 40% ли формалин.
- Кartoшка раки касаллигига қарши – 50% ли бенлат.

Уруғлик картошкага әкишдан олдин ва уларни омборда сақлашдан олдин бундай ишлов берилиши мүмкін. Уруғлик олинадиган майдонларда барча уруғлик картошкага ишлов бериш тавсия этилади. Бошқа жойларда эса биринчи навбатда касалланғанлиги тахмин килингандарга ишлов берилади. Бундай ишлов беришда қуидагиларга риоя қилиш лозим:

- Ишлов берилған картошка овқаттаға ва ем учун ишлатилмаслиги керак;
- Бу препараттарни құллаганда инструкцияларга қатый риоя қилиш зарур бўлади;
- Шахсий кимёвий ҳимояга ҳам алоҳида эътиборни қаратиш зарур;
- Ишлов берилаётганда касаллик тарқалиб кетишининг олдини олиш керак.

Уруғлик картошкаларга минерал ўғитлар билан ишлов бериш.

Картошка туганакларига минерал ўғитлар эритмаси билан ишлов бериш картошканинг бошланғич ўсиш даврида унга құшымча озуқа элементлари етказиш учун хизмат қиласи. Ундан ташқари, минерал элементлар картошка ичига кириб, ундаги захира озуқа моддаларнинг парчаланишига ва ишлатилишига кумак берадилар. Шунинг учун хам туганакларни минерал

ўғитлар эритмасига ботириб олиш бошлангич даврда ўсимлик ривожланиши, янги туганаклар пайдо бўлишини тезлаштиради ва хосилдорликни кўпайтиради. Туганакларга ишлов бериш учун аммиак селитраси ва суперфосфатнинг сувдаги эритмаси тайёрланади (*10 литр сувга ҳар бир турдаги минерал ўғитдан 400 граммдан солинади*). Уруғлик картошка экиладиган кунда туганаклар бундай эритмага 1 соат давомида солиб қўйилади. Экишдан аввал картошкалар бироз қуритилади. Баъзи холларда эса уруғлик картошкаларни тайёрланилган эритма билан пуркалади (*300 кг картошкага 10 литр эритма хисобидан*).

Уруғлик картошкаларга микроэлементлар ва ёғоч кули билан ишлов бериш.

Картошка туганакларининг униб чиқишини жадаллаштириш ва туганак пайдо бўлиш жараёнини тезлаштириш учун бор, марганец, мис ва бошқа турдаги микроэлементларни ишлатиш анча яхши самара беради. Масалан, агар уруғлик картошкаларга хам *Мис* (Cu) микроэлементи билан ишлов берилса, туганаклар хосил бўлиши тезлашади, фитофторозга ва бошқа касалликларга нисбатан чидамлилик даражаси ортади, саклашга қўйилган картошкалар бактериал чириш касаллигига камроқ чалинадилар. **Бор** микроэлементи билан ишлов берилган картошкалар парша касаллиги билан камроқ оғрийдилар. Марганецли микроэлементлар эса туганакларда крахмал ва **C** витамини тўпланишида катта аҳамиятга эга бўладилар. Уруғлик картошкани экишдан аввал унга мис купоросининг 0,01-0,05% ли, борний кислотанинг 0,01-0,1% ли ва сульфат марганецнинг 0,15% ли эритмалари билан ишлов берилади. Бунда туганаклар ушбу эритмаларга солиниб олинадилар ёки 100 кг картошкага 2 литр эритма хисобидан пуркаландилар. Бундай ишлов беришни туганакларни ёруғликда ундириш даврида ёки уларни очик майдонларда ундирилаётганда пуркагич орқали амалга оширилади. Эритманинг картошка туганаги юзасида тезлик билан буғланиб кетишининг олдини олиш мақсадида уларни бир неча соат сомон тўшаклар, қоплар ёки бўз билан паналаб қўйиш керак бўлади.

Туганакларга ишлов бериш учун **ёғоч кулини** хам ишлатиш мумкин, чунки у полимикроўфит хисобланади. Бундай ишлов бериш хосилдорликни оширади, туганаклардаги крахмал миқдорини анча оширади. Элақдан ўтказилган кул экишдан олидин уруғлик картошкаларга сепилади. Бунда 100 кг картошкага 0,5-0,6 кг кул етарли бўлади.

Уруғлик картошкага ўсиш регуляторлари ёки стимуляторлари билан ишлов бериш.

Уруғлик картошкани ўсиш стимуляторлари билан пуркаш, уларни стимуляторлар эритмаларига ботириб олиш ва ўсиш стимуляторлари парлари бор бўлган камераларда туганакларни маълум муддат сақлаш картошканинг униб чиқишини фаоллаштиради, ўсимликнинг ривожланишига ёрлам беради, тупроқдан озиқ моддаларнинг олинишини яхшилайди ва касаллик хамда зааркунандаларга қарши чидамлилигини оширади. Хар бир ўсиш стимулятори унинг инструкциясида кўрсатилган аниқ концентрация ва дозировкада берилиши лозим, акс холда паст миқдордагилари самарасиз бўлади, юқори концетрация ва дозаликлари жуда тез ўсишга олиб келиб, вегетатив органларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва хосилдорликнинг камайишига олиб келиши мумкин. Картошка стимуляторларга жуда таъсирчан ва шунинг учун хам бу ишни амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан жуда ҳам фойдалидир.

Картошкага экишдан олдин АПС (*уругликнинг ўсиб чиқишини фаоллаштирувчи, 25% ли эритма*), гиббереллин (*80% ли*), тиомочевина (*99,9% ли*), гидрогумат (*10% ли*), крезацин (*99,9% ли*), никфан (*0,005% ли*), оксигумат (*10% ли*), потейтин (*99,5% ли*), фарбизол (*99,8% ли*) ёки бошқа турдаги ўсиш стимуляторлари билан ишлов бериш мумкин. Бундай препаратлардан фойдаланиш усувлари ва муддатлари уларнинг инструкцияларида ёки тегишли жадвалларда келтирилган.

Картошкани экиш усувлари

Картошкани экишининг қуйидаги усувлари мавжуд:

- **Текис экиш усули** – бунда картошка экилган майдон текис холда қолади, шунинг учун картошкага ишлов бериш нисбатан қийин бўлади.
- **Ариқлар тепа қисмига экиш** – бунда тупроқ тезрок исийди ҳамда картошканинг ривожланиши учун яхши сув-хаво режими хосил бўлади. Бу экиш усули иссиқлик ва намлик камчил бўлган, лойли тупроқларда яхши натижа беради:
- **Грядкали экиш усули** – бунда бир ёки бир неча картошка экилган қаторлардан сўнг чукур ариқ қазилади. Бу усуллардан бири - оралиғи 50 см ли икки қатор сифатида экиш ва ленталар орасидаги қаторларнинг 20- 25 см бўлишидир. Агар 140 см ли грядкадаги туганаклар орасидаги масофа 30 см бўлса, 1 гектар ерга 50 мингта картошка кетади, 180 см ли грядкага эса 70 мингта картошка кетади.
- **Қаторли экиш усули** - бунда қаторлар орасидаги масофа 70 см ва қатордаги картошка туганаклари орасидаги масофа 20-45 см бўлган хол жуда кенг миқёсда ишлатилади.

Картошкани экиши чукурлиги хам унинг униб чиқиши, ривожланиши, хосилдорлиги ва унга парвариш бериш учун катта аҳамиятга эга. Чунки чукур экилган картошка кеч униб чиқади, кучсиз бўлади ва баъзи ўсимталар униб чиқа олмасдан нобуд бўлади. Юза экилган картошкада янги туганаклар юзаки жойлашган бўлади ва ранги ҳам кўкиш ҳамда бадбашара кўринишга эга бўлади. Станларт уруғлик картошкалар оғир тупроқларда 6-8 см чукурликда, енгил ва қумли тупроқларда эса 10-12 см чукурликда экилади. Кичик картошка туганаклари юқорида айтилганидан 1-2 см юқори, катталари эса 1-2 см чукуррок экилади.

Картошканинг экиши зичлиги тупроқ ва об-хаво шароитларига, навнинг турига, ўсимлик қандайлигига, уруғликнинг оғирлиги ва сифатига, агротехника шарт-шароитларига, тупроқнинг намлик ва озиқ моддалар билан таъминланиш даражасига боғлиқ равишда турли-туман бўлиши мумкин. Картошка экилишининг оптимал зичлиги, яъни 100 метр квадрат майдонга

қанча әкилиши мүмкінлігінің қуидаги жадвалдан күриб чиқишингиз мүмкін:

Тұганак массасы, грамм	Масофа, см		Экиш нормаси	
	Қаторлар орасидаги	Қаторлардаги	дона	кг
80-70	70	30-35	400-500	30-38
60-50	70	25-30	500-600	28-33
40-30	70	20-25	600-700	21-25
80-70	60	30-35	500-600	38-45
60-50	60	25-30	600-700	33-38
40-30	60	20-25	700-800	25-30

Зич әкишлар озиқ моддаларига бой ва намлиқ етарлы бўлган тупроқларда тавсия этилади. Зич әкишлар (*100 кв.м. га 600-800 та ўсимлик*) уруғчиликда майда уруғлик картошка экилганида ишлатилади, аммо озиқовқат учун картошка экилса, орасини очиқроқ қилиб әкиш тавсия этилади.

6. Картошкани парвариш қилиш

Картошкани парваришлаш униб чиқищдан олдинги ва униб чиққандан кейинги ишловни, чопиқни, қировдан ҳимоялашни, бегона ўтлардан тозалаш ёки ҳимоялашни, касалликларга ва зааркунандаларга қарши курашни, суғоришни ва бошқа хил агротехник тадбирларни ўз ичига олади.

Қировдан ҳимоялаш учун ўсимлик маҳсус қоғоз ёки юпқа плёнка билан ёпилади. Бунинг учун ўсимлик олдин эски газеталар ва ундан сўнг юпқа плёнка билан ёпилади. Кечки пайтлар ёмғир усулида суғориш ҳам картошкани совук уришдан сақлаб қолиши мүмкін (сув сарфи 1 кв. метрга 15-20 литр). Картошка экилган ер майдонида бирор нарсани ёқиб, тутун чиқариш ҳам қиров таъсирида совук уришдан сақлаб қолиши мүмкін.

Тупроққа ишлов бериш (чопиқ қилиш) картошка униб чиқмасдан олдин ҳам амалга оширилиши керак. Бу иш бегона ўтларни йўқотиш ва қатқалоқ бўлишнинг олдини олади. Қуёш чиқиб турган пайтларда чопиқ қилиш бегона ўтларнинг 80% гача йўқотишга имкон беради.

Картошкани озиқлантириш

Картошкани органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш ўсимлик ривожланишининг энг муҳим даврларида унинг озиқлантирилишини кучайтириш хамда туганаклар сифатини ошириш учун хизмат қилади. Азот билан озиқлантириш ўсимлик баландлиги 10-15 см бўлганда амалга оширилади, агар бу тадбир кечроқ амалга оширилса, туганаклар яхши етилмайдилар ва уларнинг сифати ёмонлашади. Калийли ўғитлар билан озиқлантириш бутонизация (ғунчалаш) даврида амалга оширилади, фосфорли ўғитлар билан озиқлантириш эса унчалик самарадор бўлмайди. Қаторларга биринчи марта ишлов беришда ўсимликларга азот ва органик (3-5 метрга 10 литр хисобида сувда суюлтирилган мол гўнги (1:5), товук гўнги (1:10-15) кўрсатилган пропорцияларда) ўғитлар берилади. Охирги чопикдан сўнг, қатор ораларига калийли ўғитлар берилади. Ўзбекистон шароитларида картошкадан гектарига 25-28 тонна хосил олиш учун тупроқларга қўйидаги таркибда ва миқдорда минерал ўғитларни солиш тавсия этилади:

- Қадимдан сугорилиб келинаётган бўз тупроқларда картошка етиштирилганда гектарига соф холда 250 кг азот, 180 кг фосфор, 125 кг калий бериш керак.
- Ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ ерларда етиштирилганда эса 200 кг азот, 160 кг фосфор, 100 кг калий бериш тавсия қилинади.
- Кучсиз шўрланган, такир, ўтлоқи-такир тупроқларда эса хар гектарга 220 кг азот, 160 кг фосфор, 100 кг калий бериш керак бўлади.
- Унумдорлиги паст бўлган тупроқларда хар гектарига қўшимча равища 30-40 тоннадан ярим чириган гўнг бериш яхши натижалар бергани кузатилган.

Картошкани илдиздан ташқари озиқлантириш

Илдиздан ташқари озиқлантириши картошка ўсимлигининг пургакич орқали сепилган озиқ моддаларни барглари орқали ўзлаштириш хусусиятига асосланган. Картошка туганакларининг етилишини тезлаштириш ва озиқ моддаларнинг ўсимлик танасидан туганакларга келишини фаоллаштириш

учун картошка хосилини йиғиб олишдан 2-3 хафта олдин фосфор ўғитлар (P_2O_5) билан 2 грамм/кв.м. дозада озиқлантирилади. Бу амал хосилдорликни 7,2-11,6 % оширади, крахмаллик даражасини эса 0,8-1% га кўпайтиради. Тупроқда азот етишмаса, картошкани гуллаш-бутонизация даврида мочевина билан илдиздан ташқари озиқлантирилади. Бу иш хосилдорликни оширади ва туганакларда азотли моддаларнинг кўпайишига олиб келади. Картошка ўсиши ва ривожланишида микроэлементлар (*мис, бор, рух, марганец ва бошқалар*) етишмовчилиги билинса, у холда ўсимликка унинг гуллаш-бутонизация даврида 0,05% ли борний кислота эритмаси, мис купороси, рух сульфати ва бошқалар пурков бериш йўли билан сепилади. Бу амал натижасида хосилдорлик 8-10% кўпаяди. Ўсимликларга шамолсиз қуруқ хавода эрталаб ва кечки пайтлар ишлов берилади. Баъзида бу ишлов бериш пестицидлар билан ишлов бериш пайтида ҳам амалга оширилади.

Картошкани сұғориши

Картошқа тупроқдаги намлик камчиллигига жуда хам сезгир бўлади, айникса бу намлика бўлган талабчанлик гуллаш-бутонизация даврида яққол сезилади. Тупроқ намлигини керакли ва оптимал даражада сақлаш учун ариқлар орқали ёки ёмғир усулида сұғориш мумкин. Агар хафта давомида ёмғир ёғмаса ва яқин кунларда ёмғир ёғиши кутилмаса, у холда 10-20 литр/кв.м. хисобидан сұғорилади. Ўзбекистонда картошкадан юқори хосил олиш учун тупроқнинг дала нам қисмига нисбатан сұғоришдан олдинги тупроқ намлиги камида 75-80% бўлиши керак. Бўз тупроқли ерларда тупроқ нами 75-80% дан кам бўлмай, сув даланинг 70 см ли қатламини намласа, хар гектардаги картошқа 450-600 куб метр хисобидан, ботқоқ ва ботқоқ ўтлоқ тупроқли ерларда эса бундан кўра озроқ микдорда сұғорилиши керак. Картошқа ўсиш даврида 8-10 кун оралатиб, бир меъёрда сұғорилади. Хосилни йигиб-териб олишга 2-3 хафта қолганда сув бериш тўхтатилади. Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда кечки картошқа 12-13 марта, сизот суви юза ерларда эса 6-10 марта сұғорилади.

Эртаги картошка ернинг табиий намига униб чиқади, кечки картошкани эса экилган куни суғориш мақсадга мувофиқдир. Эртаги картошка экилгач 25-30 қундан сўнг униб чиқади, бу муддатда у экилган майдонда бегона ўтлар ўсиб чиқади, уларни йўқотиш учун 1-2 марта сеткали борона ёки тишли енгил борона билан бороналанади. Картошканинг униб чиқишини тезлатиш учун у экилган эгат устига чириган гўнг ёки қора ранги плёнка ёпиш мақсадга мувофиқдир. Картошка пояси эгатни қоплагунча қадар 2-3 маротаба культивация қилинади. Эртаги картошка ўсув даврида 1 ёки 2, кечкиси эса 2 марта чопик қилинади. Ўсимлик бўйи 15-20 см бўлганда – биринчи марта, гуллаш даврида – иккинчи марта чопик қилинади. Бундан ташқари, картошка туганагидан ўсиб чиқсан ўсимтасини экиш хамда кўзчаларини 10-12 граммли эти билан ўйиб олиб экиб етиштириш мумкин. Суғоришилар сони ва картошка хосилининг етилиш муддати ер ости сизот сувларининг чуқур ёки юза жойлашишига кўра аниқланади. Эртаги картошкани суғориш апрелнинг иккинчи ярмидан бошланади. У хосил тўплаш даври бошлангунча 10 кунда бир марта, сўнг 4-6 кунда бир марта суғорилади. Картошка ўсиш даврида ер ости сизот сувлари якин жойлашган майдонларда 4-7, чуқур жойлашган ерларда эса 8-9 марта суғорилади. Кечки картошка экилган куни суғорилади, 5-6 кундан сўнг хоқоп суви берилади. Ўсув даврида хар 8-10 кунда бир марта суғорилади ва суғориш хосилни йиғишига 2-3 хафта қолганда тўхтатилади. Кечки картошка ер ости сизот сувлари юза жойлашган майдонларда 7-10, чуқур жойлашган ерларда эса 10-12 марта суғорилади.

Эртаки картошка етиштириш

Плёнка остида эртаки картошка етиштириши учун энг олдин уларни торфли ёки полиэтиленли стаканчаларда ўстириб олиш керак бўлади. Яхши ва ривожланган илдиз системасига эга бўлган бундай картошка ўсимликлари кўчатлари тезроқ ва бақувватроқ ривожланадилар. Плёнка билан ёпиш очиқда ўстирилаётган картошкалардан кўра 3-4 хафта олдин хосилни йиғиб олишга имкон беради ва картошкадан бўшаган ерларга бошқа

экинларни экиш имконини беради. Кўчат тайёрлашнинг турли хил усуллари ва агротехникаси юқорида кўриб ўтилган эди. Аммо эртаки картошкани этиширишнинг энг асосий шартларидан бири - экин майдонини қуёшли томонда танлашдир. Кузда ерга минерал ва органик ўғитларни етарли миқдорда солиш ва ерни яхшилаб чуқур хайдаш катта аҳамиятга эгадир. Баҳорда эса бу ер майдонини яна бир марта чопиб чиқилади ва унга керакли бўлган минерал ва микроўғитлар солинади. Кейин бу ер хаскашлар билан ишланади, чунки бунда ўғитлар тупроққа яхши аралашиб кетади. Ундан сўнг хаскашлар билан ер текисланиб, офтобда тезроқ исиши учун устига плёнка ёпиб қўйилади. Тупроқ харорати 6-8 градус бўлганидан сўнг, уруғлик картошкалар экиласди. Экишдан олдин бир-биридан 60-70 см масафада ариқлар очиласди ва уларда хар 30-40 см да картошка экиш учун чуқурчалар қазиб чиқилади. Ундан сўнг, униб чиқсан картошка кўчатларини эҳтиёткорлик билан чуқурчаларга қўйилиб, бироз босиб тупроқка жойлаштириб қўйилади. Бунда картошканинг устки қисми тупроқдан (*ер сатхидан*) 2-3 см пастда бўлишига эътибор бериш керак бўлади. Кейин кетмон ёрдамида экилган картошка кўчатларининг усти (*картошканинг юқори қисмидан хисоблагандан*) 6-8 см қалинликда тупроқ билан қопланади. Энди экилган картошкаларнинг устки қисми плёнкалар билан ёпилади. Плёнканинг четки кисмлари эса шамол учирашиб кетмаслиги учун 20 см гача тупроқ билан бостириб қўйилади. Плёнка тагидаги микроклимат картошкаларга 8-22 сутка давомида (*об-хаво шароитларига боғлиқ равишда*) ўсиб чиқишига ёрдам беради. Бундай плёнка тагида картошкалар – 3 . . . - 4 градусли совуққа ҳам бардош бера оладилар. Плёнкадаги тирқишилар унинг ичига хаво киришига, ёмғир сувлари киришига, вентиляцияга ва кундузги юқори хароратларнинг пасайишига ёрдам беради. Картошка билан биргаликда плёнка тагида бегона ўтлар ҳам ривожланади. Уларга қарши курашиш учун картошка бироз усгандан сўнг, плёнка кўтарилиб қўйилиб, ўтлар юлиб ташланади ёки чопик қилиниш йўли билан йўқ қилинади. Чопикдан сўнг, ариқлар керакли миқдорда чуқурланиб ва текисланиб, плёнка

яна жойига ўрнатиб қўйилади. Совуқ ва қиров тушиш хавфи батамом йўқолганидан сўнг, плёнка олиб ташланади ва у қоронғи жойда сақлаб қўйилади, чунки бунда плёнкадан фойдаланиш муддати анча ортади. Плёнка олинганидан сўнг, картошкани бир неча марта суғориш керак бўлади, шунда картошканинг ривожланиши учун тупроқда етарли намлик тўпланади. Картошканинг хар бир тури остида тахминан 300 грамм атрофида туганаклар тўпланганидан сўнг, уни кавлаб олишни бошлаш мумкин

Ўсимликларни ҳимоялаш тадбирлари

Бегона ўтлар билан курашиш учун агротехник тадбирлар билан бир қаторда (*бороналаш, чопиқ, ўтларни юлиб ташлаш ва бошқалар*) кимёвий воситалар - гербицидларни ҳам ишлатиш мақсадга мувофиқ. Ишчи эритмани пуркаётганда унинг сарфи 2-3 литр/км.м. хисобидан бўлади. Кимёвий препаратларнинг самарадорлигини ошириш учун тупроқ турини билиш муҳим. Қумли ва енгил тупроқларда минимал норма олинса, оғир ва лойли тупроқларда максимал норма ишлатилади. Дори пуркаш учун энг яхши шароит – шамолсиз, иссиқ ва очиқ хаво бўлган пайтдир.

7. Касалликлар ва зааркунандаларга қарши кураш

Картошканинг яхши ривожланишига ва серхосилдорлигига салбий таъсир кўрсатадиган бир қанча асосий касалликлари, вируслари ва зааркунандалари мавжуд. Картошка учун энг хавфли зааркунанда **Колорадо қўнғизидир**. Улар тупроқнинг харорати 12-15 градусга етганда уйғонадилар ва ташқарига чиқадилар. Бир хафтадан сўнг улар картошка баргининг пастки қисмига тухум қўядилар ва яна бир хафтадан сўнг улардан личинкалар пайдо бўлади. Ундан ҳимояланиш учун турли хил кимёвий препаратлар ишлатилади. Личинкалар икки-уч кун тухумлари пўстлоқлари билан озиқланадилар, сўнгра картошка ўсимлигининг пастки қисмдаги баргларни ея бошлайдилар. Яна 3-4 кундан сўнг личинкалар қизил ранга бўяладилар, сўнгра тўқ яшил рангли бўладилар ва картошка ўсимлигининг юқори қисмлардаги баргларни ҳам паққос тушира бошлайдилар. Шундан сўнг, личинкаларнинг иштаҳаси жуда зўрайиб кетади. Худди шу пайтда

уларнинг максимал кўп миқдорини тутиш ва йўқотиш талаб қилинади. Личинкалар 3-4 хафтадан сўнг 5-10 см тупроқ тагига кириб, тухумчаларга айланадилар. Агар ёз мавсуми иссиқ ва давомли бўлса, уларнинг иккинчи авлоди ҳам пайдо бўлиши мумкин. Колорадо қўнғизи исталган ривожланиш даврида ҳам келажак хосилга катта зарап келтиради, шунинг учун ҳам у билан курашишни асло сусайтириш керак эмас. Қўнғизларни керосинли ёки шўр тузли идишга тўплайдилар ва йўқотадилар. Кейинги пайтда Колорадо қўнғизи билан курашишнинг кимёвий воситалари ҳам пайдо булди. Улар Регент 25, Моспилан, Агравертинлардир.

Регент 25 – системавий инсетицид бўлиб, у жуда ҳам юқори даражадаги биологик активликка эга ва нафақат қўнғизларни, балки уларнинг личинкаларини ҳам йўқ қилишга ёрдам беради. Унинг ҳимоялаш муддати уч хафтагача боради ва бу препарат иссиқ хавода ҳам, совук хавода ҳам бирдай самарадор таъсир қиласи. Агар ишлов бериш муддатини тўғри танланса, бир марта ишлов бериш билан чегараланиш мумкин, чунки ҳимоя даврида препаратнинг активлиги унчалик камаймайди. **Регент 25** ни охирги марта картошка хосилини йиғиб олишдан 1 ой олдин ишлатиш тавсия этилади.

Моспилан – ҳимоя муддати 21 кунгача давом этадиган системавий инсетицид бўлиб, ўз самарадорлигини юқори температураларда ҳам сақлай олади. Моспиланни охирги марта картошка хосилини йиғиб олишдан 14 кун олдин ишлатиш тавсия этилади.

Агравертин – биологик инсектоакарицид бўлиб, юмшоқ экологик ва санитар-гигиеник кўрсатгичларга эга. У қўнғизларнинг нерв системасига таъсир қиласи - олдин уларни паралич қиласи ва сўнгра ўлишига олиб келади. Препаратдан максимал самарани 5-6 суткаларда кўриш мумкин.

Колорадо қўнғизи билан курашишнинг турли хил усулларини кўллаганда барча ҳимоя тадбирларига қатъий риоя қилиш лозим. Юзни бир неча қаватли марли билан ўраб олиш ва кўлларга резина кўлқоп тақиши керак.

Агар эритмалар қўлингизга томса, уларни дарҳол сув билан ювиб ташлаш керак.

Картошка касалликлари ва заракунандаларига қарши курашишниг оддий халқчил усуллари

Қўнғизларга қарши хар 15 кунда 3-4 марта ёғоч кулини сепиш хам яхши натижа беради. Пуркаш усули - 1 кг кулни 10 литр сувда 15 минут давомида қайнатиб, 2 сутка тиндириб, сўнгра унга 40 грамм кир совунни майдалаб қўшилса ва бу эритмани яхшилаб аралаштириб, унга яна 10 литр сув қўшиб, картошкага пуркалса, Колорадо қўнғизларига қарши ҳимояланиш мумкин. Яна бир усул – ёнғоқ барглари, пўстлоғи ва мевасининг настойкаси билан пуркашдир. Бунинг учун кузда тайёрлаб қўйилган 2 кг хомашёни Колорадо қўнғизлари пайдо бўлишидан 3-4 хафта олдин 10 литр сувга бўктириб қўйилади ва керакли пайтда докадан ўтказилиб, картошкаларга пуркалади. Колорадо қўнғизининг календулага (*тирноқ гул – паст буйли, тўқ сариқ ранги гул*) ҳам тоқати йўқ, шунинг учун уни картошка атрофларига экиш яхши натижа беради. Қуритилган аччиқ қалампирнинг 100 граммини 2 соат давомида 10 литр сувда қайнатилади, докадан ўтказилади ва унга 40 грамм майдаланган кир совуни қўшилиб, эритилади ва ушбу эритма картошкага пуркалади. Агар 10 литр сувга 100 грамм мочевинани (*ёки карбамидни*) эритиб, картошкага пуркалса, Колорадо қўнғизининг анча қисми қирилиб кетади, ўсимлик эса қўшимча озуқа олади. Хосил йиғиб олинганидан сўнг, тупроқка қуруқ товуқ гўнгини солиш хам турли хил зааркунандаларга қарши яхши ҳимоя қиласи. Картошка атрофларига фасоль, горох, боб ўсимликлари экилса, улар ҳам зааркунандаларни чўчитиш учун хизмат қиласидар. **Тустовук (Фазан)** ҳам Колорадо қўнғизини жуда хуш кўради ва агар улардан бир нечтасини картошка экилган ерга қўйиб юборилса, Колорадо қўнғизи миқдори анча камаяди. **Ёввойи товук (цесарка)** нинг 4-5 таси ҳам картошказорга қўйиб юборилса, Колорадо қўнғизи анчага камаяди. Қўнғизларга қарши курашнинг яна бир усули куйидагича: баҳорда экси ва кўкариб кетган яроқсиз картошкаларни

майдалаб, хлорофосга ботириб олинади ва шундан сўнг улар картошка экиладиган ёки экилган жойларга сепиб чиқилади. Ейдиган овқат йўқлиги учун қўнғизлар бу картошкаларни мажбуран еб, қирилиб битадилар.

Фитофтороз касаллигига қарши кураш

Фитофтороз - замбуруғли касаллик бўлиб, картошка ўсимлиги бу касалликка жуда ҳам кўп чалинади. Касаллик пастки баргларнинг учларидан бошланади, уларда қора рангли хўл доғлар пайдо бўлади ва кейинчалик улар оқ чанглар билан қопланади. Касаллик аста-секин картошка туганакларига ҳам ўтади. Аммо бу касаллик картошка хосили йиғиб олингандан 2-3 хафта сўнг картошкаларда намоён бўлади. Картошкаларда қаттиқ, босик чуқурчали доғлар пайдо бўлиб, кейинчалик улар картошкаларнинг чиришига олиб келади. Ундан қутулиш учун қуйидаги ишларни бажариш керак:

- Картошкани помидорлар билан биргалиқда экиш мумкин эмас, чунки фитофтороз иккала ўсимликнинг ҳам умумий касаллигидир.
- Картошка хосили йиғиб олинаётганда касал картошкалар ажратилиб, чекка жойда ёқиб юборилиши лозим.
- Баргларда жигарранг доғлар пайдо бўлганда картошка ўсимлигига 1% ли бордосс суюклиги пуркалиши керак. Пуркалган суюклик ўсимликка катта томчилар шаклида эмас, балки туман шаклида ўтириши керак. Пуркашни кечки пайт, қуруқ ва шамолсиз вақтда амалга оширган маъкул.
- Фитофтороз билан оғриган картошкани касаллик унинг туганакларига ўтиб кетмаслиги учун яна қўшимча ягана қилиш керак бўлади.

Агар картошка оммавий равишда фитофтороз билан касалланса, у холда ўсимликка **мис купороси** билан ишлов берилади (**10 литр сувга 20 грамм купорос солган холда**). Бу ишни картошкани батамом йиғиб олишдан олдин қилиш керак. Касал ўсимлик таналарини кесиб олиб ёқиб ташланади. Бу ердан уруғлик учун картошка қолдириб бўлмайди ҳамда бу ерда яна бир

нече йилдан кейингина картошка экиш мумкин бўлади. Қазиб олинган картошка салқин жойда яхшилаб қуритилади ва 1-2 хафтадан сўнг саралаб чиқилади. Шундан сўнггина улар қишига сақлашга олиб қўйилади.

Бошқа ҳил касалликларга қарши қураш

Халқали чириши касаллиги. Бу бактериал касаллик бўлиб, у картошкани ўсиш ва сақлаш пайтида, айниқса ёмғирли пайтларда ривожланади. Касаллик уруғлик билан бирга узатилади. Ўсимликларда гуллаш даври сўнгидаги барглар сарғаяди ва сўлий бошлайди, ўсимлик танаси кесилганда томирлари қорайиб кетаётганини қўриш мумкин. Касаллик туганакларнинг чиришига сабаб бўлади ва хосилнинг кўп қисми нобуд бўлади. Бу касалликнинг олдини олиш учун уруғлик картошка яхшилаб кўриб чиқилади ва барча касал хамда шубҳали картошкалар йўқотилади. Уруғлик картошкани бўлакчаларга кесаётгандаги касаллик тарқалиб кетмаслиги учун пичок 3% ли лизол эритмаси билан дезинфекция қилинади.

Қора оёқча касаллиги ҳам бактериал касаллик бўлиб, у картошка ривожланишининг барча фазаларида унга таъсир қиласи. Энг аввало картошка ўсимлиги танасининг пастки қисми касалланади ва касаллик ривожланиб кетганда ўсимлик таналари қорайиб, чириб кетади. Касал ўсимликлар ўсишдан тўхтайдилар, барглари сарғаяди, ўралиб кетади ва охир-оқибат қурийди. Касаллик жуда ҳам авж олиб кетганда картошка туганаклари ҳам заарланадилар, уларда бактериал йиринг тўплана бошлайди. Бу касаллик хавфи ёмғирли йилларда ва паст жойлашган ер майдонларида жуда ҳам катта бўлади. Бу касаллик билан оғриган картошкаларнинг хосили йиғиб олинаётганда ўсимлик поялари йиғилиб, ёқиб юборилади, туганаклар яхшилаб қуритилади ва касаллари улоқтириб ташланади.

Оддий парша касаллиги – чириётган картошка қолдиқларда ва сомонда ривожланади хамда у тупроқни ва ўсаётган туганакларни заарлайди. Касаллик қурук, ғадир-будур яра-чақалар кўринишида пайдо бўлади ва у ривожланганда туганакни бутунлай қоплаб олади. Натижада бундай картошка сақланаётганда чириб кетади. Касалликнинг

ривожланишига картошка экишдан олдин янги гўнгни солиш сабаб бўлади. Шунинг учун картошка экиладиган майдонга чириган гўнгни кузда солиш мақсадга мувофиқ бўлади. Касалланган майдонни даволаш учун картошка экишга мўлжалланган ер иккига бўлинади – бирига картошка ва бошқасига люпин экилади хамда галма-галдан иккала ўсимлик экилаверади. Паршанинг ривожланишини тўхтатиш учун картошка экилаётганда чукурчаларнинг хар бирига тупроқ билан яхшилаб аралаштирилган холда 2 граммдан сульфатли марганец солинади.

Қуруқ чириши касаллиги замбуруғли касаллик бўлиб, картошкани сақлаш пайтида заарлайди. Туганакларнинг юза қисмида хира қуруқ доғлар пайдо бўлади ва улар аста-секин катталashiб, картошканинг ички қисмига зарар етказадилар. Картошка сақлайдиган жойда харорат қанчалик юқори бўлса, бу касалликнинг пайдо бўлиш эҳтимоллиги ҳам шунчалик юқори бўлади ва энг аввало механик заарланган (*кесилган, қирқилган, эзилган, чақа бўлган*) картошкалар бу касалликка дучор бўладилар. Профилактик тадбирлар сифатида картошка сақланадиган жойда кўрсатилган режимга қатъий риоя қилиш зарур бўлади. Яъни, харорат 1-3 градусдан юқори бўлиши керак эмас хамда нисбий намлик 85-90% бўлиши керак.

Хўл чириши касаллиги ҳам бактериялар ва микроорганизмлар томонидан вужудга келади хамда улар механик заарланган ва музлаган картошкаларни ишдан чикарадилар. Туганакларда ёмон хидли ириш пайдо бўлиб, у картошканинг тамоман чириб кетишига олиб келади. Бу касалликнинг олдини олиш учун картошка хосили йиғиб олингандан сўнг уни яхшилаб қуритилади, сортировка қилинади, ёмонлари эса йўқотилади. Сақланаётган картошка вақти-вақти билан сараланиб турилади.

Заарарқунадаларга қарши кураш

Колорадо қўнгизи – картошканинг жуда ҳам хавфли душмани бўлиб, қисқа муддат ичida у ва унинг личинкалари картошканинг барча хосилини нобуд қилиши мумкин. Унга қарши курашнинг бир қанча усуллари олдинги бўлимда батафсил кўриб чиқилган эди. Унга қўшимча равишда қўнғизларни

териб олиш, ғумбак ва тухумига қарши инсектицилардан Каратэ, Сумицин, Актеллик, Анометрин, Ариво, Баверсан, Банкол, Белофос, Висметрин, Волатон, Вухт, Децис, Дилор, Дурсбан, Золон, Кинмикс, Маврик, Мезокс, Пиритион, Суми-Альфа, Требон, Цимбуш препаратларини ишлатишни айтиш мүмкин. Биопрепаратлардан эса Колорадо қўнғизига қарши ишлатилиши мүмкин бўлганлари Битоксибациллин, Боверин, Колорадо, Новодорлар бўлиб, улар ўзларининг дала шароитларида самарадор эканлигини кўрсатганлар. Мисол сифатида Каратэ препарати картошкадаги Колорадо қўнғизи ва бошқа зааркундаларни йўқотиш учун ишлатилиб, у кўпинча ишлатиш учун қулай бўлган 2 миллилитри ампулалар шаклида сотилади. Ампуланинг ичидаги препаратни 10 литр сувда эритиб, эрталаб ёки кечки пайт шамол бўлмаган вақтда картошкаларга сепилади. Ишчи эритманинг сарфи 100 квадрат метр майдонга 5-10 литрдир. Унинг ҳимоя муддати 15-20 кунни ташкил қиласи. Лекин у инсон, хайвонлар, балиқлар ва асаларилар учун анча хавфлидир. Уни охирги марта хосил йиғиб олинишидан 30 кун олдин пуркаш мақсадга мувофиқдир. Ишчи эритма тайёрлаш учун овқатга ишлатилмайдиган идишлардан фойдаланинг. Нафас олиш органларини, кўзни ва терини ҳимоя қилган холда дори сепинг. Дори сепиш пайтида овқатланиш, чекиш ва сув ичиш мүмкин эмас. Агар бу препарат кўзга тушиб қолса, уни сув билан яхшилаб ювиб ташлаш керак, терига тушганда эса совунли сув билан яхшилаб ювиш талаб қилинади. Агар препарат зарралари тасодифий равишда ичингизга кетиб қолса, у холда 300 мл сув билан 5-6 таблетка активлаштирилган кўмир ичиб, шифокорга боришингиз лозим. Ушбу препаратни озиқ-овқат маҳсулотларидан алоҳида кўйиш ва – 15 дан + 15 градусгача бўлган хароратли жойда сақлаш керак. Уни оловдан узоқроқ тутиш талаб қилинади. Агар ишчи эритма ортиб қолса, уни сақлашнинг фойдаси йук. Бўшаган ампулаларни эса ёқиб юбориш ёки кўмиб ташлаш керак бўлади.

Симқурт – зааркунанда қўнғизнинг личинкаси бўлиб, у тўқ сариқ рангли ва узунлиги 2-2,5 см бўлади. Симқуртлар 5-20 см чукурлиқда

яшайдилар ва ўша ердаги илдиз тизими хамда янги туганакларга заар етказадилар, картошка ичига кириб оладилар. Бу зааркунандалар билан курашиш учун қузда ер чуқур хайдалиши, июлда қатор оралиқлари чопик қилиниши, доимий равища бегона ўтлардан тозаланиши ва тупроққа ўз вақтида минерал ва калийли ўғитлар солиниши керак. Жуда хам қаттиқ зарраланган кичик ер майдонларида уларни овқат қолдиқларига алдаб ушлаш ва йўқ қилиш мумкин. Бунинг учун картошка, лавлаги парчалари ва шунга ўхшашлар ерга чуқур қўмиб қўйилади ва 2-3 қундан сўнг улар қазиб олиниб, улардаги личинкалар йўқ қилинади. Бу иш бир неча марта қилинса, симқуртлардан анча қутулиш мумкин. Касаллик ва зааркунандалар ожизланиб қолган ўсимликларга заар етказадилар, шунинг учун картошкани ўстириш ва парваришлиш бўйича барча агротехник тадбирларга қатъий риоя қилиш зарур.

Нематода – узунлиги 1-1,3 мм бўлган чувалчангдир. У ўсимликтининг устки қисмларини ва туганакларни заарлайди. У уруғлик картошка билан биргалиқда келади ва олдин ўсимлик танасига, сўнgra янги туганакларга ўтади. Нематода билан касалланган картошка калта ва қалин танага эга бўлади, барглари эса ғижимланиб қолади. Туганакларда кулранг доғлар пайдо бўлади, териси кўчиб кетади, картошкаси эса ёқимсиз кўринишда бадбашара бўлиб қолади. Юқори хаво харорати ва намлик нематоданинг кўпайишига ижобий таъсир қилади. Бирламчи заарланиш тупроқ ва иш қуроллари орқали ҳам бўлиши мумкин. Нематода билан заарланишнинг олдини олиш учун қуйидагиларга риоя қилиш керак:

- Уруғлик картошкани экишдан олдин диққат билан текширилиб чиқилади ва зааррланган картошкалар йўқотилади.
- Ер майдонида турли хил экинлар алмашинишига қатъий риоя қилинади (*алмашлаб экши*).
- Қатор ораларини яхшилаб чопик қилинади.

Нематодага қарши карбатион ишлатилиши мумкин (*1 кв.м. га 150-200 грамм хисобидан*).

Кузги тунламга қарши 7% ли гранулланган хлорофос картошка экилиш пайтида гектарига 50 кг микдорда тупроқقا солинади. Ўсув даврида эса 0,5% ли хлорофос эритмаси сепилиши зарур.

Қандалаларга қарши БИ-58 ёки антио препаратларининг 0,15-0,20% ли эритмаси сепилиши керак ва Колорадо қўнғизига қарши эса ЭЙМ ёки дефис сумма альфа препаратларининг бирортасидан гектарига 0,15-0,3 кг дан сепилиши мумкин. Қўнғиз тухуми ва ғумбагига қарши Каратэ ёки Сумицин препаратларини ишлатиш ижобий натижа беради.

Макроспориоз ва фитофторага қарши 1% ли бордосс суюқлиги эритмаси, шунингдек, Мис хлориднинг 0,3-0,5% ли эритмаси ёки Цинеб препаратининг 0,4-0,5% ли суспензияси пуркалади. Юқоридагилардан ташқари, родомола, авексидла, арцерид, деконил ёки оксихоллардан бирортасининг эритмасини тайёрлаб, гектарига 2-2,5 кг дан сепилиши керак.

Картошкани карам, бодринг ва сабзидан сўнг экилиши мақсадга мувофиқ. Картошка яхши ўсиши учун юмшоқ, яхши ўғитланган тупроқлар талаб қилинади, гўнгни эса кузда ер хайдалишидан аввал солинади. Экиш учун 5 йилдан кўп экилмаган текширилган навлар ишлатилади. Туганакларни ундириш, уларга кул билан ишлов бериш хосилдорликни кўпайтиради ва ўсимлик иммунитетини оширади. Картошка иситилган тупроқقا экилиши керак. Экишдан олдин картошка экилаётган уячаларга кул солиш яхши натижаларга олиб келади. Агар комплекс ўғитлаш талаб килинса, 1 қисм азотга 1,2-1,5 қисм фосфор ва 1,5 қисм калий аралаштирилади.

8. Картошкани сақлаш ва қайта ишлаш

Картошка хосилини йиғиши муддатлари экилиш вақти, мавсумий-климатик факторлар, тупроқ кўрсатгичлари, биологик ва нав кўрсатгичларига боғлиқ бўлади. Ўсимликнинг тана қисми саргайиб қуриб қола бошлиши уни кавлаб олишга сигнал бўлади, чунки худди шу пайтда туганаклар максимал катталикка эга бўлиб, энг кўп қуруқ модда ва крахмал йиғган бўладилар. Уруғлик картошка олиш учун мўлжалланган майдонларда хосилни йиғиб олишга эртароқ киришиш мумкин, чунки бунда уруғлик картошканинг

сифати яхшироқ бўлади, туганакларнинг вирусли ва бошқа касалликлар билан оғриш эҳтимоллиги камаяди. Ёзда истеъмол қилинадиган картошка ўсимлик танаси бироз сарғая бошлаганда қазиб олинади. Қазиб олинган картошкаларнинг чириб кетиши механик таъсирлар ва касалликлар туфайли бўлиши мумкин. Шунинг учун картошкаларни сақлашдан олдин уларни яхшилаб саралаш лозим. Эртаки ва ўрта картошка навлари таркибида сув жуда кўп бўлади (75-80%), шунинг учун ҳам улар юқори ва паст температураларга жуда ҳам чидамсиз бўладилар. Картошка йиғиб олингандан сўнг туганакларда физиологик ва биохимик ўзгаришлар содир бўлади, улар кетма-кет етилиш, дам олиш, кўзчалар уйғониши ва ўса бошлиши босқичларидан ўта бошлайдилар. Етилиш даври кўпчилик навларда 20-30 кун бўлади ва бу даврда туганак таркибидаги сувнинг буғланиши ва нафас олиш туфайли ўзининг бир қанча массасини йўқотади. Картошканинг интенсив нафас олиши туфайли у ўзидан иссиқлик, намлик ва карбонат ангидрид чиқаради. Бу газлар тўпланиб, картошканинг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун, агар картошка бир жойга тўплаб қўйилса, ажралиб чикаётган газ ва иссиқлик туфайли улар қорайиб, чириб кетадилар. Шунинг учун картошкаларни юпқа қатор қилиб териб қўйиш мақсадга мувофиқдир. 1,5-2 хафтадан сўнг картошкаларда биохимик жараёнлар стабиллашиб, териси пишиқроқ бўлиб қолади ва нафас олиши ҳам нормаллашади. Хали яхши етилмаган ва касалликлар билан оғриган картошкаларни вақтинчалик жойда сақланади ва 2 хафтадан сўнг уларни саралаб, ундан сўнг доимий жойга сақлашга қўйилади.

Уруғлик картошкаларни сақлаш


Уруғлик картошканинг яхши сақланиши учун уларга махсус ишлов берилади. Бундай ишловни хосил йиғиб олингандан сўнг 10-12 сутка кейин навеслар остида амалга оширилади. Бунинг учун туганаклар 10-15 см қалинликда ёйиб қўйилади ва ёритилиб қўйилади. Нур яхши таъсир қилиши учун картошкалар тез-тез аралаштириб турилади. Агар қиров тушиши кутилса ёки совуқ тушиб қолса, у холда картошкалар сомон ёки полиэтилен

плёнка билан ёпиладилар. Картошка кесилганида унинг мевасининг барча қисми юқоридан ўртасигача яшил рангга кирса, жараён тугаган хисобланади. Бундай картошкани истеъмол қилиш ёки молга бериш мумкин эмас, чунки унинг таркибида соланин бўлади. Бу усул билан яшиллаштирилган картошкалар касалликларга камроқ чалинадилар, турли хил кемирувчилар уларни еб қўймайдилар ва экилганида эса кўпроқ хосил берадилар. Уруғлик картошкаларни қазиб олинганидан сўнг, уларга зудлик билан Ботран (75% ли), Титусим (40% ли), Текто 450 (45% ли) препаратлари воситасида ишлов бериш лозим, чунки бу амал фузариоз, фомоз ва кумушли парша касалликларига қарши курашда яхши самара беради. Максим деб номланган янги препарат фунгицидлар гуруҳига мансуб бўлиб, у билан картошканинг туганакларига ишлов берилса ризоктониаз, парша, фомоз, фузариоз чириши, фитофтороздан ҳимоя қиласди. Препаратни баҳорда экишдан олдин (1 тоннага 100 мл) ёки кузда туганакларни сақлаш учун (1 тоннага 50 мл) 1 литр сувга аралаштирган холда оз микдорда пуркалади.

Картошкани узоқ муддат давомида сақлаш учун подвалларга, погребларга ёки маҳсус картошка сақлайдиган жойларга қўйилади. Аммо картошкани сақловга қўйишдан олдин хонани ахлатдан тозаланади, деворлар хлорли ёки сўндирилмаган оҳакка мис купороси қўшилган холда дезинфекция қилинади (*1 литр сувга 2 кг сўндирилмаган оҳак ва 200 грамм мис купороси*). Картошка сақланадиган жойлар тахта пол билан, вентиляция ва иложи бўлса иситиш мосламалари билан таъминланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Қишида картошка 1-5 градусда ва нисбий намлик 85-96% бўлганда яхши сақланади. Хароратнинг кўпайиб ёки пасайиб кетиши картошканинг нобуд бўлишига олиб келади. Ноль градусга яқин температураларда уруғлик картошка ўз сифатини анча йўқотади. Харорат 5 градусдан юқори бўлса, картошка кўкариб кетади ва турли хил касалликларга мойил бўлади.

Картошкани сақланадиган жой лойиҳаси

Картошка сақлаши учун мүлжалланган энг оддий ва арzon усулни қуида тушунтириб ва күрсатиб ўтамиз. Унинг тузилишини қуидагича қилиб күрсатиш мумкин:



6 – сақлаш жойи остки қисми;

7 – сув оқадиган ариқча;


8 – вентиляция канали (узунасига жойлашган).

Картошка сақланадиган жойни юқорироқ ва қуруқроқ, сувлар тўпланмай, оқиб кетадиган жойда танлаш лозим. Тупроқ ости сувлариниг чуқурлиги картошка сақлаш жойининг остки қисмидан 1,3-1,5 метр пастда бўлиши керак. Сувлар оқиб кетиши учун сақлаш жойи атрофида ариқча қилинади. Бундай жойнинг кенглиги 1,8 – 2 метр, баландлиги 1 метр, узунлиги эса 15 метрдан кўп бўлмаслиги керак. Картошка хўл бўлса, унинг кенглиги 1,5 метргача камайтирилади. Ушбу картошка сақлаш жойини расмдагидек ер устида ҳам ва ер остида ҳам котлован қўринишида қуриш мумкин. Лекин чуқур котлован қўринишида қилинганида бу ерда ер ости сувлари ўтадиган жой анча чуқур бўлишига аҳамият бериш керак бўлади. Котлован чуқурлиги оғир тупроқларда 25 см дан кўп эмаслигига ва енгил тупроқларда эса 50 см гача бўлишига эътибор бериш керак. Бундай картошка сақлайдиган жойни қуриш учун аввало унинг асоси тайёрланади. Сўнгра уни

куруқ шохлар ёки бошқа нарсалар билан дренаж қилинади. Бундан сўнг сараланган ва қуритилган картошка тўкилиб, устини 20-30 см қалинликдаги куруқ сомон билан ёпилади ва унинг устидан эса 35-45 см ли куруқ тупроқ қатлами тўшалади. Вентиляцион қурилма 25 X 30 см ўлчамли вентиляция каналининг тепа қисмига ўрнатилади. Картошка турадиган жойдаги вентиляцион каналнинг бир қисми хаво айланишини яхшилаш учун 2-3 см ли рейкалардан қилинади. Бу тирқишлардан картошкадан ажралиб чиқадиган сув буғлари, карбонат ангидрид ва бошқа газлар вентиляцион канал орқали ташқарига чиқиб кетади. Картошка сақланадиган жойнинг устига сомон ва тупроқни бирданига ёпиш шарт эмас – олдин сомон қатлами тўшалиб, унинг устига юпқа тупроқ қатлами солинади. 1-2 хафтадан сўнг тупроқ қатламини бироз кўпайтирилади, кейинчалик совуқ тушганда эса тупроқ қатламини 35-45 см ларгача етказиш мумкин бўлади. Жуда қаттиқ совуқ тушган тақдирда, вентиляция каналининг кириш ва чиқиш кисмларига ҳам сомон тиқиб қўйилади. Агар картошка сақланаётган жойдаги харорат 8 градусдан ортмаса, картошка яхши сақланади. Агар харорат бундан кўпайиб кетса, хаво кириши ва харорат пасайиши учун турли жойлардан 50 см диаметрли дарчалар очилади.

Картошкани траншея усулида сақлаш

Картошкани траншея усулида сақлашда қуйидаги расмда кўрсатилгандек кенглиги 1-1,5 метр, чуқурлиги эса 0,5-1,5 метр бўлган траншеялар қазилади:



- 1 – тупроқ қатлами;
- 2 – сомон қатлами;
- 3 – кум қатлами;
- 4 – картошкалар;
- 5 – траншея таг қисми.

Ер ости сувлари чуқурроқ жойлашган ерда юқоридаги ўлчамларда траншея қазилганидан сўнг, шохчалар ёки бошқа материаллардан қилинган дренажли асос устига яхшилаб сараланган картошка тўкилади. Картошка қатламлари орасига 2 см ли қуруқ кум тўшалади. Траншея тўлганидан сўнг унинг устига кетма- кет равишда кум, сомон ва тупроқ қатламлари тўшалади.

Картошка бизнес ғояси

Шу ерда **картошка сақлаш билан боғлиқ бўлган ва яхшигина фойда олишга имкон берадиган бир бизнес ғояни** келтирамиз. Картошканинг нархи қузга нисбатан қишига эрта баҳорда анча қиммат бўлишини хаммамиз жуда яхши биламиз. Шунинг учун бу қимматбаҳо билимимиздан фойдаланган холда ушбу бизнесни йўлга қўйишимиз мумкин. Бунинг учун картошка ўстириш мақсадида теплица қуришимиз, картошкани бошқа мамлакатлардан олиб келишимиз ёки картошка сақлаш учун қимматбаҳо ускуналар ва химикатлар ишлатишимиз шарт эмас. Картошкани сақлаш учун қўйидаги жуда оддий усулни ишлатамиз:

Картошка кузда, у нисбатан анча арzon бўлган пайтда сотиб олинади ва маҳсус жойда ёки подвалда сотилгунича (нархлар кўтарилигунча) сақланади. Лекин бунда энг асосий бўлган бир савол туғилади – Картошкани баҳоргача қандай сақлаймиз?

Кўпчиликка маълумки, картошка заҳаланган бўлса сақланмайди хамда у асосан кислород таъсирида чирий бошлайди. Агар уни маҳсус углекислий газ бўлган мухитда сақлашга эришсак, у 5-8 ойгача ўз сифат кўрсатгичларини йўқотмасдан яхши сақланади. Шунинг учун, агар бундай усулда сақлаб

қўйган картошкамизни баҳорда сотсак, анча – мунча фойда қилишимиз мумкин бўлади.

Бунинг учун энг аввало, картошка сақлаш учун маҳсус жой топамиз (*подвал ёки хона*) хамда бу жойга стеллажлар қурамиз ва уни хафсала билан картошка сақлаш учун тайёрлаймиз. Бу жойнинг хамма томонини газ чиқиб кетмайдиган қилиб яхшилаб, герметик холда беркитамиз. Сўнгра бу жойга қуритилган, хафсала билан сортировка қилинган, касалларидан ажратиб олинган ва заҳа емаган соғлом картошкаларни жойлаб, уни углекислий газ билан тўлдирамиз ва эшик хамда барча тешикларни яхшилаб герметик равища ёпиб ташлаймиз (*бунда полиэтилен плёнка, герметиклар, солидол ва бошқаларни ишлатишимиш мумкин*). Энди фойда олиш учун бирмунча муддат кутишимиз қолади холос.

Картошканинг нархи биз учун керакли даражага кўтарилигандан сўнг, бу жойни очамиз ва картошкани сотишни бошлаймиз. Фойда миқдори ҳам шунга яраша бўлади, албатта.

Бу бизнесга сарф қиласиган бошланғич маблағингиз энг кам - минимал бўлиб, фойда миқдори эса анча катта бўлади. Бир марта картошка сақлаш жойи учун қилган сарф-харажатингиз йиллар давомида доимий равища фойда келтираверади. Инсонларга экологик тоза маҳсулот етказиш билан уларнинг дуосини оласиз ва бу билан яхшигина маънавий фойда ҳам килган бўласиз. Бу ишни нафақат картошка, балки сабзи, пиёз, туруп, редиска каби сабзавот маҳсулотлари учун ҳам бемалол амалга оширишингиз мумкин. Бу тадбиркорлик фаолиятини бошлашдан аввал албатта кутубхонага бориб ёки интернет тизими орқали сабзавот сақлаш технологиясига оид бир қанча китоблар ва қўлланмалар билан танишиб чиқсангиз, фойдадан холи бўлмайди. Чунки бу илк бизнесингизда муваффақиятсизликка учрамаслик учун Сиз сабзавот сақлашда яна нималарга алоҳида эътибор бериш кераклигини (*масалан, картошканинг қандай навлари сақлаши учун қулай ва улар қанча муддат сақланади, уларни сортировка қилиши, касалларини ажратиши қандай амалга оширилади ва сақланадиган картошкага биринчи*

ишилов (куритиши, кимёвий ишилов ва бошқалар) қандай берилади, сақлаш жойида намлик дарајаси ва температура қандай бўлиши керак хамда сақлаш жойида вентиляция жараёни қандай қилиб амалга оширилади, стеллажлар қандай қилингани маъкул, кемирувчиларга қарши қандай чоралар кўрилади, картошка стеллажларга неча қават қилиб тахланиши керак хамда намлик миқдорини қандай қилиб сақлаш керак ва хакозоларни) яхшилаб билиб олишингиз керак бўлади.

Хамма ўқиган ва ўрганганларингизни албатта бирор бир дафтарга ёзиб боринг ва эришган натижаларингиз хақида бизга ҳам rayupov@yahoo.com электрон почта манзили орқали маълум қилинг. Чунки бу ишда тажриба тўплаш ва уни ўзаро алмашиниш жуда муҳимдир. Мен эса картошкани сақлаш пайтида уни касалликлардан сақлаш бўйича ўзим топган янгиликни биринчи бўлиб сизларга билдиrmокчиман: Саримсокпиёз (Чеснок) ни бошқа турдаги ўсимликларни биологик химоя қилиш воситаси сифатида ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, агар картошкани қишки-баҳорги мавсумда касалликлардан сақлаш керак бўлса, уни сақлаш пайтида картошканинг устига майдалангандар саримсоқ сепиб қўйилади. Бунда хар 100 кг картошкага 100 грамм майдалангандар саримсоқ зарур бўлади.

9. Картошкадан тайёрланадиган тансиқ салатлар ва таомлар

Картошкали салат

Бунинг учун 8 дона картошка, 30 грамм кўк пиёз, 5 ош қошиқ ўсимлик мойи, 3 ош қошиқ лимон соки ёки 3% ли уксус, кўкатлар, қалампир ва туз керак бўлади. Сувда қайнатиб пиширилган картошка юпқа қилиб кесилади ва унга майда тўғралган пиёз, қалампир ва туз қўшилади. Сўнгра ёғ, лимон соки ёки уксус қўшилиб аралаштирилади. Энди салатни кўкатлар билан безаб столга тортиш мумкин бўлади.

Аччиқ картошка шўрва

Бунинг учун 4 дона картошка, 50 грамм думба ёғи, 1 бош пиёз, 1 ош қошиқ ун, 1 литр сув, 1 ош қошиқ ўсимлик мойи, 2 ош қошиқ томат пастаси, қизил янчилган қалампир ва туз керак бўлади. Сувда пиширилган ва

тозаланган картошка совутилиб, майдаланади. Тўғралган пиёзни ёғда қовуриб олинади ва унга тўғралган думба, картошка, қалампир ва ун аралаштирилади. Бунинг барчасини қайнаб турган сувга солинади ва сўнгра таъмига яраша туз солиниб, томат пастаси аралаштирилади.

Творогли картошка

Бунинг учун 8 дона картошка, 300 грамм творог, 2 ош қошиқ ун, 1 та тухум, 4 ош қошиқ сметана, таъмга кўра ёғ ва туз керак бўлади. Тозаланган хом картошка қирғичда майдаланади ва унга творог, тухум, ун ва туз қўшилади. Бу аралашма яхшилаб аралаштирилиб, сўнгра сковородкада қовурилади. Тайёр бўлган таомнинг устига сметана қўйилади.

Картошка шарбати (соки)

Картошка соки таркибида деярли барча витамин ва микроэлементлар, калий, фосфор тузлари, йод, кальций, натрий, мис, рух ва темир элементлари мавжуд бўлгани учун у жуда ҳам фойдали хисобланади. Хом картошкадан олинган сок инсон организмини ажойиб равишда тозалайди, терининг рангини эса равшанлаштиради. Бу сок овқат хазм қилиш тизимининг ишини яхшилайди, шунинг учун уни гастритларда, язваларда ва ич келмагандан тавсия этилади. Таркибида ацетилхолин бўлгани учун картошка соки қон босимини пасайтиради, яраларнинг тез битишига ёрдам беради ва спазмолитик равишда таъсир қиласи. У сабзи ва селдерей соки билан биргалиқда қабул қилинса, овқат хазм қилиш тизими касалликларини даволайди ва издан чиқсан нерв системасини мувофиқлаштириш учун хизмат қиласи. Картошка сокида калий элементи кўп бўлгани учун у инсон организмидаги сув алмашинувни яхшилайди ва юрак фаолиятини мўтадиллаш учун хизмат қиласи. Картошка сокини овқатдан 30-40 минут аввал 100 миллиграммдан кунига 2-3 марта қабул қилиш яхши натижаларга олиб келиши кузатилган. Лекин картошка сокини тайёрлаш учун етилмаган кўкиш рангли, касалланган ва кўкариб кетган картошкаларни ишлатиш мумкин эмас, чунки уларнинг таркибида захарли модда – гликоалкалоид соланин бўлади.

10. Тавсия қилинадиган адабиётлар руйхати

1. Ерни ер, элни миллионер қиласидиган ўғитлар. Неъматжон Хошимов. Боғбонлар ва дехқонлар учун қўлланма. - Т.: Фан, 2006. – 60 бет.
2. Органик ўғитларни тўплаш ва дехқончиликда қўллаш технологиялари. Назаров Н., Мамадалиев Г., Дехқонов А. – Фарғона, 2006.
3. Сабзавот ва полиз экинларининг тавсия этиладиган навлари ва етиштириш технологияси бўйича тавсиянома. Р. Хакимов. Ўз СПЭ ва КИТИ. - Тошкент, 2006. – 28 бет.
4. Микробиологик ва янги турдаги фосфор ўғитини помидор ва картошка етиштиришда қўллаш бўйича тавсиянома. В. Бережнова ва бошқалар. Ўз СПЭ ва КИТИ. - Тошкент, 2006. – 12 бет.
5. Зироатнома. Хасаний М. – Т.: Мехнат, 1991.
6. Қадимда боғлар қандай яратилган. Неъматжон Хошимов. Боғбонлар ва дехқонлар учун нодир қўлланма. - Т.: Фан, 2006. – 76 бет.
7. Ўрта Осиё қишлоқ хужалиги ўсимликлари хамда зааркунандаларига қарши кураш. – Т.: Ўрта ва Олий мактаб, 1962.
8. Табиат неъматларининг шифобахш хусусиятлари. Сафар Мухаммад. – Т.: «Истиқлол» нашриёти, 2007 йил, - 92 бет.
9. Узумчилик сирлари. Неъматжон Хошимов. - Т.: Фан, 2005. – 60 бет.
10. Ўсимликшунослик. ТДАУ буюртмаси асосида чоп этилган. - Тошкент: «Мехнат» нашриёти. 2000 йил. – 272 бет.
11. Томорқа сабзавотчилиги. Бўриев Х.Ч. ва бошқалар. – Т.: ТДАУ, Мехнат: 1987. -216 бет.
12. Дала экинларини қўшиб экиш. Отабоева Х.Н. - Т.: ТДАУ, 1990.
13. Гулчилик ва Ландшафт меъморчилиги. Иссиқхоналарда сабзавотлар етиштириш, уларни зааркунандалардан ва касалликлардан ҳимоя қилиш. А. Каримов ва бошқалар. - Андижон: 2005. 64 бет
14. Растениеводство. Посыпанов Г.С. - М.: Колос, 1997 г.

- 15.Картофель. И. Путырский, В. Прохоров, П. Родионов. - Ростов на Дону, «Феникс», 2004 год. – 96 стр.
- 16.Домашние заготовки. Л.В. Строкова, С.Михайлин. – М.: РИПОЛ Классик, 2006. – 544 стр.
- 17.Вредители сада и огорода: как с ними бороться. О.П. Починюк. – Ростов на Дону: Феникс, 2005. – 256 стр.
- 18.Вредители и болезни овощных культур. Справочник. А.П. Вянгеляускайте, Р.М. Жуклене и др. – М.: Агропроиздат, 1989. – 462 с.
19. Парники и теплицы. В.В. Добров. Серия «О'кей». Ростов на Дону: Феникс, 2005. – 256 стр.
- 20.Любимые овощи на вашей грядке. Э. Сергеева. Ростов на Дону: Феникс, 2005. – 252 стр.
21. Овощи на вашем столе. А. Туленкова. – М.: Планета, 1990. 22 стр.
- 22.Защита овощей от болезней и вредителей. М.М. Ганиев, В.Д. Недорезков. Справочник огородника. – М: «КОЛОС», 2005, -184 стр.
- 23.Консервирование – лучшие рецепты. Р.Э. Лойко, Н.Е. Лойко. – М. Издательский Дом МСП. 2005, - 144 стр.
- 24.Табиат неъматларининг шифобахш хусусиятлари. Сафар Мухаммад. – Т.: «Истиқлол» нашриёти, 2007 йил, - 92 бет.

ИЛОВАЛАР

Сифатли сабзавот маҳсулотлари уруғлари етказиб берадиган фирмалар: **ENZA ZADEN** (Европа), **Park Seeds** (Америка Қўшма Штатлари). Бу фирмаларнинг **Web**-сайтлари:

<http://www.enzazaden.nl>

<http://www.parkwholesale.com>

Уруғлар бўйича алохида фирманинг **Web**-сайти:

<http://www.vitaliszaden.nl>

Бу фирманинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дистрибуторлари хақида қисқача маълумотлар:

1. **Agrokontinent Co., LTD. Фирмаси** **Web**-сайти: www.agrokontinent.com

Электрон почта манзили E-mail: **info@ agrokontinent.com**

- 2. *Novagro LLC***, Электрон манзили E-mail: **enza_uz@ yahoo.com**
- 3. «Зироат»** минтақалараро ўсимлиқшунослар ассоциацияси. Андижон, Тинчлик кўчаси, 6 уй. Тел.: (+998-742)22-27-83. Электрон почта: **Ziroat-audt@uzpak.uz**, Ургучилик, сабзавотчилик ва иссиқхоналар сабзавотчилиги, гулчилик, боғдорчилик ва кимёвий ҳимоя.
- 4. АУДТ** савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси. Андижон, Тинчлик кўчаси, 6 уй. Тошкент «Агроуруғчи» МЧЖ, Мавлонов кўчаси, 1а. **ziroat-audt@mail.ru**, тел.: 134-69-90. Бу фирма сабзавот, гул уруғлари ва хар хил турдаги хонаки гуллар, майса уруғи, дехкончилиқда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, минерал ўғитлар, ўсимликларнинг касалликларига, хашарот ва зааркунандаларга қарши турли хил доридармонлар сотади.

**Картошка етиштириш, сақлаш ва қайта ишлиш. Тузувчи Аюпов Р.Х. -
Т.: Иқтисод-Молия, 2007. - 64 бет**

Мұхаррір: Э. Бозоров

Босишга рухсат этилди: 17. 12. 2007

Бичими: 30x42 1/8

Адади: 50

Шартли босма табоғи: 2.2 б.т.

Буюртма № 96

Баҳоси келишув асосида